Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 143 (21. 010) 1991 йил 26 июль, жума ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ИШ БОШЛАДИ

Партия дастури лойиҳасини муҳокама қилиш 25 июлда Москвада иш бошлаган КПСС Марказий Комитети Пленуми кун тартибидаги асосий мавзудир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби, партия XXVIII съездида сайланган КПСС Дастури лойиҳасини тайёрлаш комиссиясининг раиси М. С. Горбачев Пленумда маъруза қилди.

Пленум ишида КПСС Марказий назорат комиссиясининг аъзолари, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, республика, вилоят ва округ партия комитетларининг биринчи котиблари, Қуролли Кучлардаги КПСС партия комитетларининг котиблари, КПСС Дастури лойиҳасини тайёрлаш комиссиясининг аъзолари қатнашмоқдалар.

(ТАСС).

КПСС Марказий назорат комиссиясининг пленуми тўғрисида ахборот

1991 йил 24 июль куни КПСС Марказий назорат комиссиясининг пленуми бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитетининг бўлажак Пленумида КПСС Дастури лойиҳасининг муҳокама қилиниши юзасидан КПСС Марказий назорат комиссияси раиси вазифасини бажарувчи Е. Н. Махов ахборот берди. КПСС XXVIII съезди номига тушган шикоятлар, аризалар ва хатларни кўриб чиқиш якунлари чиқарилди.

Пленум КПСС Марказий назорат комиссиясининг «Коммунистларнинг конституциявий ҳуқуқлари, шон-шарафи ва қадр-қимматини ҳимоя қилайлик» деб номланган Баёнотини қабул қилди, бу Баёнот партия матбуотида эълон қилинади.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

КПСС Марказий назорат комиссиясининг БАЁНОТИ

КОММУНИСТЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ШОН-ШАРАФИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЙЛИК

Жойлардаги ишлар аҳволининг таҳлили, шунингдек, КПСС Марказий назорат комиссиясига ва Марказий Комитетига тушган хабарларнинг далолат беришича, мамлакатнинг бир қанча минтақаларида «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги СССР Қонуни, СССР Президентининг Литва, Арманистон, Грузия юзасидан чиқарган фармонлари ва инсон эътиқодлари ҳуқуқларини турли партия ва ҳаракатларга мансублигини кафолатлайдиган бошқа қонун ҳужжатлари бузилмоқда.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг «Литва ССРдаги ғайридемократик ҳужжатлар ва инсон ҳуқуқлари бузилаётгани тўғрисида»ги Баёноти, КПСС Марказий Комитети Котибиятининг «Украина ССР ғарбий вилоятларида коммунистларни таъқиб қилиш фактлари ҳақида»ги қарори мамлакатда авж олиб бораётган жангари антикоммунизмнинг янги даврасини тўхтатиб қола олмади. Демократик шиорлар ва ислоҳотларга даъватлар ниқоби остида ҳаддидан ошган кучлар бирикиб олмоқдалар. Улар ижтимоий тузумни ўзгартиришга қарши турган асосий куч бўлмиш КПССни яккалаш ва тақиқлаш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Бир қанча республикаларда СССР Қонунларига, инсон ҳуқуқлари тўғрисидага халқаро пактларга хилоф бўлган қонунлар, фармонлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул этилмоқда. Сиёсий сабаблар билан касб эгаллаш ва хизмат лавозимларида ишлашни тақиқлаш жорий этилмоқда. Ўзгача фикрни бостириш учун турли ғайриконституциявий тузилмалар вужудга келтирилмоқда.

Коммунистлар ижтимоий камситилаётганини, уларга руҳий ва жисмоний даҳдаҳа қилинаётганини, улардан шафқатсизларча ўч олинаётганини кўрсатувчи кўпгина фактлар бор. Чунончи, 1991 йил январида Калуга шаҳрида КПСС аъзоси, вилоят «Знамя» рўзномасининг муҳаррири И. И. Фомин экстремист қўлидан ҳалок бўлди. 1990 йил мартида коммунист, Арманистон Олий Кенгашининг депутати, Аштарак район партия комитетининг собиқ котиби М. О. Хачатрян оиласи бошига фожиа тушди. Унинг беш онла аъзоси, шу жумладан, балоғатга етмаган икки ўғлак ўз уйида ўлдирилди.

Шу йили Грузия Компартияси Ахмета район комитетининг биринчи котиби А. Г. Сасадзишвили, Дағистон вилоят партия комитетининг аъзоси Б. А. Қосимов, Украина Компартияси Ровно район комитетининг биринчи котиби А. И. Левкович квартираларига қуролли ҳужум қилинди. Мари вилоят партия комитетининг аъзоси, Мари АССР Вазирлар Кенгашининг Раиси Г. С. Петров, Литва Компартияси Акмяне район комитетининг биринчи котиби И. И. Василевич ва бошқалар жисмоний таҳқирланди.

Айрим минтақаларда КПССга қарши кайфиятдаги раҳбарларнинг тазйиқи билан бошланғич, цех партия ташкилотларини асоссиз равишда тарқатиб юбориш, парткомларни корхоналар ҳудудидан чиқариб юбориш ҳоллари тез-тез учраб турибди. Донецк, Кемерово, Самара, Свердловск ва бошқа баъзи вилоятларнинг корхоналарида шундай фактлар содир бўлди.

«Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги СССР Қонунига, СССР Президентининг тегишли фармонларига хилоф равишда КПСС район ва шаҳар комитетларига тегишли бинолар ва автомобиль транспортини зўравонлик билан тортиб олаётган айрим идоралар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатига ҳуқуқий баҳо берилмаяпти. Арманистон, Грузия, Молдова, Литва, Латвияда, Украинанинг ғарбий вилоятларида шундай фактлар қайд этилди. «Саюдис»нинг Паневежис район Совети Литва ҳукуматига умуман КПСС ташкилотларини жиноий ташкилотлар деб ҳисоблаб, уларнинг ҳаёт фаолиятини бутунлай қамал қилиш чораларини кўришни таклиф этди.

Мана шуларнинг ҳаммаси, аввало, СССР ва республикалар ҳокимияти давлат тузилмалари, уларга бошчилик қилаётган мансабдор шахслар ғайриконституциявий хатти-ҳаракатларнинг пайини қирқиш, мамлакат барча фуқароларининг, шу жумладан, КПСС аъзоларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни ўз вақтида кўрмаганликлари сабабли содир бўлди.

КПСС Марказий назорат комиссияси ғайрикоммунистик жазавага, фуқароларнинг мавжуд қонунларга зид келмайдиган сиёсий фаолият билан шуғулланиш ҳақида СССР Конституциясида кафолат берилган ҳуқуқлари бузилишига қатъиян қарши чиқади.

КПСС Марказий назорат комиссияси РСФСР Президентининг РСФСР давлат идораларида, муассасаларида ва ташкилотларида сиёсий партиялар ва оммавий жамоат ҳаракатларининг ташкилий тузилмалари фаолиятини тўхтатиш ҳақидаги Фармонини ғайриконституциявий, ғайридемократик ҳужжат, деб ҳисоблайди.

КПСС Марказий назорат комиссияси СССР Олий Кенгашига ва Президентига, мустақил республикаларнинг парламентларига мурожаат этиб, сиёсий эътиқодлардан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш учун ўз ваколатларидан тўла-тўкис фойдаланишга чақиради.

Биз умид билдириб айтамизки, СССР Конституциявий назорат комитети, СССР Олий суди, СССР Прокуратураси, СССР Ички ишлар вазирлиги ва СССР Адлия вазирлиги СССР Конституциясига, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунга оғишмай риоя этилиши, сиёсий сабаблар билан фуқароларни таъқиб қилишнинг ҳар қандай фактлари пайини қирқиш, уларнинг эътиқод ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, партияга ва бошқа жамоат бирлашмаларига тегишли мол-мулкни муҳофаза этиш юзасидан зарур бўлган барча чораларни кўрадилар.

Марказий назорат комиссияси КПСС аъзоларининг фуқаролик ҳуқуқларини, шон-шарафи ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш учун барча қонуний йўллардан фойдаланадиган партия ташкилотларини, уларнинг партия комитетларини ва назорат органларини қўллаб-қувватлайди.

КПСС Марказий Назорат комиссияси ҳисоблайдики, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, Котибияти маҳаллий тажрибадан фойдаланиб, коммунистларнинг конституциявий ҳуқуқлари, шон-шарафи ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш юзасидан партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари учун тавсияномалар ишлаб чиқиши лозим.

Биз партиянинг барча соғлом кучларини жиплаштириш орқалигина ғайрикоммунизм кампаниясини тўхтатиб қола оламиз, мамлакатдаги демократик ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлай оламиз, кўп миллатли Ватанимизнинг яхлитлигини сақлаб қола оламиз.

Самарқанд вилояти Иштихон районидаги Ильич колхозида ғўза парваришининг сўнгги босқичи давом эттирилмоқда.

Суратда: (чапдан ўнгга). Бригада бошлиғи Норбек Нарзиев ва жамоа хўжалиги раиси Қўчқор Эштўхтаев ўртоқлар ғўзанинг ҳолатини кўздан кечиришмоқда.

Қашқадарё вилояти Яккабоғ райони саноат комбинатида тўқув ва гилам цехлари очилди. Бу ерда болалар ва катталар кийимлари, кундалик зарур моллар тайёрланади. Бошқа цех эса Хива гиламларини ишлаб чиқаришга мослаштирилди.

Суратда: гилам цехида ишлаётган Шукуровлар оиласи.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзТАГ) ва К. ТУРСУНОВ олган суратлар.

ЯНГИЛИКЛАР

● «Узбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасида резина пойафзал тайёрловчи цех барпо этилди.

Ҳозирнинг ўзида унинг бир линияси ишга туширилди, яна бир линияда созлаш ишлари давом этмоқда. Бу линиялар бир йилда қарийб 500 минг жуфт пойафзал тайёрлаш имконини беради. Корхона ходимлари «Узбекрезинотехника»нинг филиаллари очилган Самарқанд ва Бухорода худди шундай цехларни барпо этишни режалаштирмоқда.

● Йўловчиларга қулай бўлиши учун келгуси йили Коғонда янги темир йўл вокзали қурилиши бошланади.

Бир минг йўловчини қабул қилишга мўлжалланган бинода меҳмонхона, кенг кутиш зали, чипта кассалари ва бошқа хизматлар бўлади.

● Олтинкўл районидаги Ленин номли жамоа хўжалигида йўл ходимлари ўртасида энг яхши касб эгаси номи учун Андижон вилоят танлови бўлиб ўтди.

Танловни ўтказиш даврида хўжалик қўрғонларини район маркази билан боғлайдиган 5 километрлик йўл ободонлаштирилди, унинг уч километр қисми асфальт қилинди, йўл белгиларининг эскилари алмаштирилди ва янгилари ўрнатилди, жамоа хўжалиги манзилгоҳларидаги автобус бекатлари ва йўлкалар тартибга келтирилди. Грейдерчилар Иброҳимжон Жўраев, Акромжон Шодибеков ва Адҳамжон Ҳусанов, асфальт қилиш машинаси ҳайдовчиси Алишер Бадалбоев, йўл ходими Жамшид Урозов ўз касбларининг усталари деб топилди. Уларга мукофотлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

● Урганчдаги «Эксперимент» ёшлар илмий-техника ижодиёти маркази жамоаси мебель ишлаб чиқаришни ўз олдига вазифа қилиб қўйди.

Ёш тадбиркорлар К. Маркс номли жамоа хўжалигида бинони ижарага олдилар, бу ерда асбоб-ускуналарни ўрнатмоқдалар ва монтаж қилмоқдалар. Қисқа фурсат ичида бу ерда силлиқланган ёғоч-қипиқ плиталар ишлаб чиқарила бошланиши керак. Яқинда буюртирилган технология ускуналари етиб келади.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ОБРЎСИ — МЕНИНГ ОБРЎЙИМ

ЭНГ МУҲИМИ ИНТИЗОМ

● КПСС Марказий Комитетининг ҳамма интиқиб кутаётган навбатдаги Пленуми ўз ишини бошлади. Унда Компартиямизнинг Ҳаракат дастури, шунингдек, кун тартибида турган энг долзарб масалалар — партия ичида интизомни мустаҳкамлаш, коммунистларнинг ташаббускорлигини ошириш, уларнинг омма билан алоқасини янада кучайтириш, обрў ва эътиборини таъминлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинади. Булар кун тартибидаги долзарб ва етилган масалалар. Кўпчилик қатори мен ҳам партиямиз ва у ҳозир бошидан кечираётган жиддий жараён ҳақида анчадан бери ўйлаб, мулоҳаза қилиб юрибман.

Сирасини айтганда, бизга ҳозир қатъий партиявий интизом етишмаяпти. Иш билан сўз орасида узилиш бўлмоқда. Маълум бир давр ичида КПССда рўй берган бўшашувчилик, турли хил воқеалардан эсанкираш, жойларда партия Уставига ҳамиша ҳам риоя қилавермаслик интизомнинг бўшашишига, партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ишларнинг сусайишига сабаб бўлди. Мен партиявий интизом деганда унинг Устави, Ҳаракат дастури жуда ҳам мукаммал, ҳеч сўзсиз бажарилиши керак деб биламан. Бироқ айрим бошланғич партия ташкилотларида ана шунга изчил риоя қилинаётгани йўқ. Бир ерда депсиниш ёки кутиб туриш барҳам топмаяпти. Гапнинг очиғини айтганда КПСС Уставида коммунистларнинг ҳуқуқ ва бурчлари бўрттирилгани ҳолда партиявий жазо бериш енгиллаштирилгани айрим коммунист раҳбарларнинг иш йўригига қўл келяпти.

Кейинги пайтларда партиянинг обрўсини ошириш керак, деган гаплар тез-тез қулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Бу ҳақда ҳатто шаҳар ва вилоят партия қўмиталари пленумларида ҳам гапиришяпти. Бироқ «ҳолва деган билан оғиз чучиб қолмаслиги» ҳаммага аён. Партиянинг обрўсини ошириш энг аввало ўзимизга боғлиқ. Агар республика Компартияси Ҳаракат дастурини амалга оширишга ҳамма бирдек ўз улушини қўшса, коммунистлар халқ орасида бўлиб унинг дардига қулоқ солса, оғирини енгил қилса, муаммоларини биргаликда ҳал этса партиянинг обрўси албатта тикланади. Менимча қабул қилинган қарорларнинг ижросини қатъиятлик билан таъминлаш энг муҳим партиявий иш бўлиб қолиши керак. Халқ турмуш фаровонлигини ошириш, миллатлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш партиянинг биринчи галдаги вазифаси эканлигини сира ҳам унутмаслигимиз лозим.

Халқимиз азалдан сафсатабозлик, буйруқбозлик, қозғозбозлик, лаганбардорлик, кўзбўямачилик каби иллатлардан жирканади. Агар бизмана шуларга қарши партиявий курашни чинакамига олиб борсак, элнинг урф-одатларини, тилимизни, юртимиз ҳурматини жойига қўйсак бундан фақат элимиз эътиборини қозониш мумкин. Ҳозир биз қайта қуриш, янгиланиш, демократия ва ошкоралик деяпмиз-у, аммо меҳнаткаш халқнинг ҳақига хиёнат қилиш, чайқовчилик, порахўрлик барҳам топгани йўқ. Буни эл жуда яхши кўриб-билиб турибди, «қани буёғи энди нима бўларкин» деб кутяпти. Биз мана шундай ишларнинг илдизига аёвсиз болта уришимиз, шунга йўл қўяётган кишиларни ким ва қаерда ишлаётганидан қатъи назар фош этиб, жазолашимиз зарур. Агар шу ишларга партия ташкилотларимиз, коммунистлар бош-қош бўлмасалар халқ ўртасида ҳар қанча тарғибот-ташвиқот юмушларини олиб борганимиз билан улар сувга отилган тош сингари ҳеч қандай из қолдирмайди.

Давримиз қатъиятликни, қаттиқ интизом ва ташаббускорликни, илгариги вақтларда бўлгани сингари коммунистларнинг намуна кўрсатиб унумли меҳнат қилишини талаб қилмоқда. Мана шуларгина ҳаммамизга обрў-эътибор олиб келади.

Ҳ. НОРМУРОДОВ,
Самарқанддаги 5-қурилиш трести партия қўмитаси котиби.

ИЗЛАГАН ИМКОНИЯТ ТОПАДИ

● Партия ташкилотлари меҳнат коллективлари билан алоқани тубдан қайта қуриб, аҳолининг ҳаётий манфаатларини қимоя қилсаларгина ўз олдиларига қўйган вазифани муваффақиятли бажаришлари мумкин.

Район партия қўмитаси шуни эътиборга олиб жойларда ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари тузди. Уларнинг олдига аҳоли яшайдиган жойларда партия сиёсатини амалга оширишни энг муҳим вазифа қилиб қўйди.

Ана шундай ҳудудий ташкилотлардан бири ўтган йили Яшик қишлоқ Совети ҳудудида ташкил топган эди. Унга шу ерда истиқомат қилаётган 9 коммунист бирлашди. Уларнинг ҳар бири қишлоқдаги маҳаллаларга биркитиб қўйилди. Коммунистлар аҳолининг талаб ва эҳтиёжларидан мунтазам бохабар бўлиб, уни қишлоқ Совети, район партия қўмитаси орқали амалга оширишга муваффақ бўлмоқдалар. Масалан, қишлоқдаги маданият уйи қурилиши суръати сусайиб кетганди. Аҳоли уни тезлаштиришни илтимос қилди. Партия ташкилоти қурилишни ўз назоратига олиб, мутасадди ташкилотлар билан жиддий гаплашгач, иш маромга тушди, уни бу йил фойдаланишга топшириш имкони вужудга келди. Партия ташкилоти шунингдек маҳалладаги тўй ва бошқа маросимларни ўтказишда ҳам фаол қатнашмоқда.

Янгиер ва Янгиобод қишлоқ Советларидаги ҳудудий партия ташкилотлари уларнинг тажрибасини ўрганиб, мактаб ва болалар боғчасини оталиққа олдилар, кам таъминланган оилаларга нафақалар берилиши, кекса ва ногиронларга ёрдам кўрсатиш ишларини назорат қилиб бормоқдалар. Биз ҳудудий партия ташкилотлари ишга нечоғли катта ёрдам кўрсатаётганлигини эътиборга олиб, ишнинг тармоқларини кенгайтириш тадбирларини белгилаяпмиз. Халқ ҳам партия ташкилотларни ва коммунистларнинг ўз дардлари ва ташвишларига шерик бўлаётганини, оғир юкини ўз зиммаларига олаётганини кўриб-билиб турибди. Томчилар тўпланиб дарёлар ҳосил бўлганидек, мана шундай савоблы ишлар ҳам охир оқибатда партия ташкилотларининг обрўсини эл наздида ошириб боряпти.

Т. ҚАМБАРАЛИЕВ,
Учқурғон район партия қўмитаси ташкилий бўлими мудири.

ТАШРИФ ДАВОМ ЭТМОҚДА

● Жумҳурият вице-президенти Ш. Р. Мирсандов бошчилигидаги Ўзбекистон ССР ҳукумат делегациясининг ХХР Шинжонг-Уйғур мухтор районига ташрифи давом этмоқда.

Делегация Шинжонг-Уйғур мухтор районида район халқ ҳукумати раиси Т. Давоматнинг таклифига мувофиқ меҳмон бўлиб турибди.

Ташрифнинг дастлабки куни — 23 июлда делегацияни Т. Давомат қабул қилди, дўстона суҳбат бўлди. Т. Давомат Шинжонг-Уйғур мухтор райони ҳукумати номидан ўзбекистонлик меҳмонларни самимий қутлади. У районда олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисида батафсил ахборот берди, жумладан, «очиқ эшиклар» сиёсати тўғрисида гапирди. Ҳукумат бошлиғи ҳозирги ташриф Ўзбекистон билан Шинжонг-Уйғур мухтор райони ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, дўстона алоқалар ҳамда ҳамжиҳатликни чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этишига ишонч билдирди. Иқтисодиёт, савдо, фан, техника соҳалари ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик тўғрисида битим тузиш нияти билдирилди.

Ш. Р. Мирсандов Т. Давоматга самимий қабул учун миннатдорчилик билдирди, Ўзбекистон халқларидан Шинжонг-Уйғур мухтор райони халқларига дўстона салом топширди, қайта қуриш жараёнларининг борлиги, жумҳурият иқтисодий мустақиллигининг шаклланиши тўғрисида гапириб берди. ХХР Шинжонг-Уйғур мухтор райони билан Ўзбекистон табиий заҳираларга бой, катта иқтисодий ва аҳолий имкониятларга эга эканлиги таъкидланди. Бу эса ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун жуда муҳимдир.

Ташриф давом этмоқда.

(ЎзТАГ).

• *Партия турмуши: янгиланиш қирралари*

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ МАРКАЗЛАР

УЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ, МАҚСАД ВА ИШ ТАРТИБИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Қайта қуриш.., янгиланиш.., демократиялаш... Бу сўзлар жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларига ва табиийки, унинг етакчи кучи ҳисобланган Коммунистик партияга ҳам тўла тааллуқлидир. Бугунги кунда КПСС фақат ўзининг сиёсатнигина эмас, балки дастури ва фаолиятини тубдан янгилашга киришди. Ана шундай янгиликлардан бири партия қўмиталарининг яқиндан бери фаолият кўрсатаётган ижтимоий-сиёсий марказларидир.

Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ва Тошкент вилоят партия қўмитаси Ижтимоий-сиёсий марказининг мудири С. Ш. ҚУРБОНОВдан мазкур партия муассасаларининг нши, вазифа ва истиқболлари тўғрисида гапириб беришни илтимос қилдик.

— Рўзномамизда ижтимоий-сиёсий марказлар ташкил этилиши тўғрисида ахборот берган бўлсак ҳам, уларнинг хусусиятлари ҳақида муштарийларимизга маълумот берганимиз йўқ. Шу сабабли ушбу муассасалар қандай, нима мақсадда тузилгани, уларнинг асосий вазифалари нималардан иборат эканлиги, улар собиқ сиёсий маориф уйларидан қандай жиҳатлари билан фарқ қилиши ҳақида батафсил тўхталсангиз.

— Маълумки, сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари ғоявий-тарбиявий ишнинг муҳим соҳаси бўлмиш сиёсий маориф соҳасида узоқ йиллар давомида фаолият кўрсатиб келдилар. Коммунистлар ва партиясиз фаолларнинг сиёсий ўқишини ташкил этишда партия ташкилотларига кўмаклашиш уларнинг асосий вазифаси эди.

Шу соҳада улар муҳим иш бажардилар, катта тажриба тўпладилар, дурустгина моддий-техника базасига эга бўлдилар. Аммо бугунги кунда уларнинг фаолияти талабга тўла жавоб бермай қолди. Чунки, кенг тарқалган ақидапарастлик ва қироатхонлик, турмушдан, кўча ва майдонларда бўлаётган воқеалардан узилиш сиёсий ўқишларнинг таъсирчанлиги, уларнинг жозиба кучи пасайишига олиб келди. Ҳаёт партия ўқувларининг мазмунини бойитиш, уларнинг шаклларини янгилашни тақозо этди.

Айни пайтда, партия қўмиталарининг штатлари жиддий тарзда қисқартирилган, уларнинг имконият доираси торайган, олдда турган вазифалар эса ниҳоят даражада мураккаблашган бир вазиятда кенг омма орасида сиёсий, ғоявий тарбиявий ишларни олиб бориш зарурати кучайса кучайдики, аммо асло сусайгани йўқ. Бу нарсани кимлардир бажариши керак ва буни ижтимоий-сиёсий марказлар қилишлари мумкин, деган хулосага келинди.

Шундай қилиб, сиёсий маориф уйлари ва кабинетларининг вазифалари доирасини кенгайтириш асосида уларни янги партиявий муассасаларга айлантириш лозим бўлиб қолди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг ўтган йил 16 октябрда қабул қилган қарори шуларни кўзда тутди. Ушбу қарор асосида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ва Тошкент вилоят партия қўмитасининг ягона ижтимоий-сиёсий маркази тузилиб, у шу йилнинг бошларидан фаолият кўрсатмоқда. Ҳозир шундай марказлар барча вилоят партия қўмиталарида ҳам бор.

— Тошкент шаҳар партия қўмитасининг ҳам шундай маркази борми?

— Ҳозирча йўқ. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ва Тошкент вилоят партия қўмитасининг ягона ижтимоий-сиёсий маркази тузилганда шаҳар партия ташкилоти вилоят партия ташкилоти таркибида бўлганлиги учун Марказ шаҳарга ҳам хизмат қилар эди. Эндиликда вазият ўзгарди ва пойтахтликлар ҳам шу нарсани ҳисобга олишлари керак.

— Эшитишимизча ижтимоий-сиёсий марказларга мустақиллик берилган. Агар шу тўғри бўлса, улар қайси соҳаларда мустақил иш қилишлари мумкин?

— Ижтимоий-сиёсий марказлар партиянинг муассасаларидир ва партия қўмиталари, айниқса, уларнинг мафкуравий комиссиялари ва бўлимлари раҳбарлигида ишлайдилар, уларнинг йўл-йўриқларини бажарадилар. Шу билан бирга хўжалик-молиявий жиҳатдан улар мустақилдирлар. Уларнинг бюджети ҳозирча асосан партия ҳисобидан шакланадиган бўлади. Ижтимоий-сиёсий марказлар қонун доирасида даромад келтирадиган ишлаб чиқариш, хўжалик ишлари билан ҳам шуғулланадилар. Масалан, турли пуллик тадбирлар ўтказиш (яъни концертлар уюштириш, кино кўрсатиш, компьютер мактаблари очиш ва ҳоказолар), социологик тадқиқотлар ўтказиш, кичик корхоналар ташкил этиш, бўш хоналарни вақтинча ижарага бериш йўли билан харажатларни қисман бўлса-да, қоплаш мумкин.

— Бир-икки мисол келтирсангиз.

— Мисол учун Тошкент ижтимоий-сиёсий маркази томонидан вилоят қишлоқ меҳнаткашларининг пойтахт театрларига ташрифлари ташкил этилишини, шу Марказ иштирокида 50 нафар американкалик ва совет болаларининг Тошкент ва Самарқандга саёҳатлари уюштирилишини айтиш мумкин. Хоразм вилоят партия қўмитасининг «Маърифат» деб номланган ижтимоий-сиёсий маркази экология ва бозор иқтисодиёти муаммолари бўйича пуллик курслар, маданият муассасалари билан биргаликда концертлар уюштирмоқда.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, марказларимизнинг **ташкил топиши ва фаолият кўрсатиши қоидалари бирмунча тушунарли. Шаҳар ва районларда бу масалага ёндашув қандай бўлиши керак?**

— Шаҳар ва район бўғинларида партия аппаратининг аҳволи вилоятдагидан анча оғирроқ. Чунончи, район партия қўмитасининг олдинги мафкура бўлими эндиликда йўқ ҳисоби. Ундаги 2-3 штатли ходим билан кўп иш қилиш мушкул. Идеология комиссиялари эса ҳали яхши оёққа турганлари йўқ. Бундай аҳволда шаҳар ёки район партия қўмитасининг ижтимоий-сиёсий марказини тузиш, бунда бор имкониятлардан фойдаланиш жуда ҳам зарурдир. Биз бу ҳақда жойларга методик тавсиномаларни йўллаганмиз.

Афсуски, кўпгина шаҳар ва районларда мазкур марказларни тузишда сусткашликка йўл қўйилмоқда, тузилган жойларда эса улар айтарли иш қилганлари йўқ.

— Ижтимоий-сиёсий марказларнинг тузилиши кўпдан бери мафкура соҳасида фаолият кўрсатиб келаётган «Билим» жамияти ташкилотлари ишига зиён етказмасмикан?

— Бу саволингизда жон бор. Айрим жойларда ижтимоий-сиёсий марказларнинг асосий вазифаси коммунистларнинг сиёсий билимларини оширишга ёрдамлашиш, кадрлар ўқувини йўлга қўйиш, оммавий-сиёсий ишларни олиб бориш эканлигини унутмаслик керак.

— Демак, ижтимоий-сиёсий марказларнинг фаолиятини тижорат ишига тўла қаратмаслик керак экан-да?

— Албатта. Ушбу марказларнинг исми жисмига монанд бўлишига, улар ижтимоий ҳаётнинг муҳим марказига айланишига, оммавий-сиёсий ишлар доим олиб бориладиган таянч нуқтасига айланишига эришмоқ лозим.

— Вилоят миқёсида ижтимоий-сиёсий марказларнинг тимоий-сиёсий марказларнинг мақсад ва вазифаларини яхши тушуниб олмаган баъзи кишилар уларни «Билим» жамияти ташкилотлари билан адаштирмоқдалар ва оқибатда «Билим» жамиятининг вазифасини ҳам ижтимоий-сиёсий марказга юклатилса бўлмайдими, деган масалани ўртага қўймоқдалар. Бундай янглиш фикрнинг сабаби, биринчидан, ҳар иккала ташкилотнинг ўзига хос хусусиятларини ва вазифаларини, улар бир-бирларини тўлдиришлари лозимлигини, иккинчидан, ҳуқуқий жиҳатдан тенг бўлган ушбу жамоат ташкилотлари шерикчилик асосида ҳамкорлик қилишлари зарурлигини тушунмаслик деб ўйлайман. Қолаверса, ижтимоий-сиёсий марказлар лекция тарғиботи учун тузилган эмас, балки, уларнинг вазифаси юқорида айтилганидек бошқадир.

— Ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳақида аниқ мисоллар бордир...

— Бор, масалан, биз шу йил «Билим» жамияти билан ҳамкорликда пропагандистлар ва лекторларнинг семинарларини ўтказдик. Андижон, Бухоро ва Урганчда ташкил этилган бу ўқишда камида 1200 тарғиботчи, шу жумладан «Билим» жамияти аъзолари қатнашдилар. Мен юқорида ижтимоий-сиёсий марказларнинг асосий вазифаларини айтиб ўтдим. Уларни лекция пропагандаси билан алмаштириш нотўғридир. Партия қўмиталари лекция пропагандасидан воз кечмаган тақдирда ҳам бу иш уларнинг мафкуравий фаолиятларида асосий вазифа бўлаолмайди. Аксинча, бу ишни йўлга қўйишда «Билим» жамияти ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишлари, уларнинг тажриба ва имкониятларидан фойдаланишлари яхши самара беради. «Билим» жамияти ташкилотлари лекция тарғиботининг хилма-хил шаклларидан фойдаланиб, омма ўртасида билимлар тарқатишни давом эттиришлари даркор.

Хуллас, мафкура соҳасида фаолият кўрсатаётган ҳар бир ташкилот бошқа ташкилотлар билан ўзаро манфаат ли ҳамкорлик қилгандагина тегишли мақсадга эришишлари мумкин. Ижтимоий-сиёсий марказлар шу қоидага риоя қиладилар, деб умид қиламиз.

СССР Олий Кенгашида

КПСС Марказий Комитетининг Котибияти, айрим бошқа жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларининг органлари, меҳнат жамоалари ва фуқаролар РСФСР Президенти чиқарган «РСФСР давлат идораларида, муассасалари ва ташкилотларида сиёсий партиялар ва оммавий жамоат ҳаракатлари ташкилий тузилмалари фаолиятини тўхтатиш тўғрисида»ги фармони хусусида СССР Олий Кенгашига қилган мурожаатлари муносабати билан СССР Олий Кенгашининг Раиси А. И. Лукьянов СССР Конституциявий назорат комитетига 1991 йил 20 июлда чиқарилган мазкур фармоннинг СССР Контситуциясига, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Касаба уюшмалари ва улар фаолиятининг кафолатлари ҳақида»ги СССР қонунларига, СССРнинг бошқа қонунларига, шунингдек Совет Иттифоқи иштирок этаётган халқаро конвенцияларга мослиги ёки мос эмаслиги тўғрисида хулоса чиқаришни топширди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ КОМИТЕТИДА

25 июль куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши агросаноат комплекси ва сув хўжалиги комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР «Ер тўғрисида»ги қонунига баъзи ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси кўриб чиқилди. Депутатлар билдирган мулоҳазалар, таклифлар, қўшимчалар ва истакларни эътиборга олиб, ушбу қонун лойиҳаси устидаги ишни давом эттириш таклиф қилинди.

1991 йилнинг иккинчи ярми иш режасига баъзи ўзгартишлар киритиш, шунингдек, комитет фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

ҲУҚУҚ ПОСБОНЛАРИ ЭЛЕКТРОНИКАДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР

● 24 июль куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлигида оператив-қидирув бўлимлари ҳамда жиноятчиликка қарши курашадиган бошқа бўлимларни жиҳозлаш учун махсус, криминалистик техника ва алоқа воситалари кўргазмаси очилди.

Бу кўргазма Швейцариядаги Ецэ «Инжиниринг консалтинг экспорт са» фирмаси билан Германиядаги Эцг «Электро-коммерц» фирмасини ўзига хос таништирувга айланди. Бу фирмалар ўз маҳсулотларини Совет Иттифоқида биринчи бор намойиш қилмоқда. Ҳозирги вақтда кўпгина мамлакатлардаги полиция, тергов хизматлари ана шу етакчи хорижий фирмалар ишлаб чиқарган техника ва махсус воситалар билан жиҳозланган.

Кўргазмага олтмишдан ортиқ экспонат қўйилган. Улар орасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятининг турли соҳаларига доир юқори сифатли асбоблар, компьютер техника бор. Дисплейли ҳисоблаш ва нусха кўчириш аппаратлари, яширин кузатиш ва назорат қилиш воситалари, махсус мақсадларга мўлжалланган радиотехника, оператив-тергов ишлари учун ўзига хос кўчма лаборатория ҳисобланган ихчам «терговчи чемодани» шулар жумласидандир. Экспонатларнинг умумий қиймати тахминан ярим миллион АҚШ долларига тенгдир.

— Бу кўргазмани ташкил этар эканмиз, — дейди республика ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари В. Г. Гусев, — бўлинмаларимизни жиноятчиликка қарши замонавий техника даражасида кураш олиб боришга имкон берадиган воситалар билан тубдан қайта жиҳозлаш вазифасини кўзда тутганмиз. Бу ерда намойиш этилаётган экспонатлар Ўзбекистон шароитида, Ўрта Осиё минтақасидаги бошқа республикалар шароитида самаралироқ фойдаланиш мумкин бўлган махсус воситалар ва техникани танлаб олиб, уларга буюртма беришга имконият яратади. Кўргазма доимий ишлаб туради, биз уч йилга шартнома тузганмиз. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбарлари ва мутахассислари, шунингдек, барча манфаатдор ташкилотлар хилма-хил идоралар ва ташкилотларнинг вакиллари кўргазма экспозицияси билан батафсил танишишлари мумкин. Экспонатлар вақти-вақти билан янгилаб турилади.

— Ўзбекистонда жойлаштирилган бу кўргазмадан инкала томон ҳам манфаатдор, — деди ўз экспонатларини намойиш этаётган фирманинг вакили, Ецэ «Инжиниринг консалтинг экспорт са» вице-президенти жаноб Дюби Рольф мухбиримизнинг саволига жавобан. Бизни шубҳасиз маҳсулотларимиз рекламаси, совет бозорига кириб бориш қизиқтиради, — деди. Лекин гап фақат бунда эмас. Фирмаларимизнинг бутун фаолияти чегара нималигини билмайдиган, моҳияти жиҳатидан ғайриинсоний, жамиятга қарши бўлган иллат — жиноятчиликка қарши қаратилган. Совет милицияси фаолиятининг муваффақиятига кўмаклаша олсак, ҳурсанд бўламиз. Биз бу ерда намойиш этилаётган юқори сифатли асбоблар ва аппаратларни сотиб олишнигина таклиф қилаётганимиз йўқ, мутахассисларимиз энг янги махсус техника воситаларини тезроқ ўзлаштириб олишда, уларни жадал қўлланиш тактикасини эгаллашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимларига ёрдам беришга тайёрдирлар.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлигида очилган кўргазма экспонатлар билан Ўрта Осиёдаги барча республикалардан келган ички ишлар вазирликлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбарлари, етакчи мутахассислари ҳам танишдилар.

Экспозицияни очишда Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг аъзоси, республика Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов қатнашди.

А. БАРАНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

СУРАТДА: кўргазма залларида.

А. ГОРОКРИК (ЎзТАГ) олган сурат.

Эл дастурхонига

ҚЎРИҚ ҚОВУН-ТАРВУЗИ

Қашқадарё вилоятидаги қўриқ Нишон районидаги деҳқонлари давлатга полиз маҳсулоти сотиш йиллик режасини муддатидан олдин ошириб адо этдилар. Тайёрлов пунктларига 6680 тонна ўрнига етти минг тоннадан зиёд қовун-тарвуз топширилди. Бунга режадагидан анча кўп — 1260 тонна қовун-тарвуз етказиб берган «Ширинобод» совхози соҳибкорлари катта ҳисса қўшдилар.

5 минг тоннадан ортиқ маҳсулот товар алмашиш асосида мамлакатнинг Москва, Ленинград, Минск каби йирик шаҳарлари ишчиларига етказиб берилди. Шуниси диққатга сазоворки, топширилган маҳсулотнинг асосий қисми пленка остида эртанги етиштирилган тарвуздир. Шунга кўра, режа ўтган йилга нисбатан бир ярим ой илгари уддаланди. «ВЛКСМ XVIII съезди», «Коммунист», «Самарқанд», У. Юсупов номли, Ҳ. Ҳакимзода номли, «Навбаҳор» совхозлари деҳқонлари қўлга киритилган муваффақиятга салмоқли ҳисса қўшдилар.

— Чўлқуварларимиз яна 3 минг тонна маҳсулот етказиб беришга қарор қилдилар, — дейди район халқ назорати комитети раиси И. Ҳикматов, — яъни ҳосилни 10 минг тоннага етказмоқчимиз. Айни пайтда хўжаликларда етиштирилган шириншакар қовун-тарвузлар пешма-пеш эл дастурхонига жўнатилмоқда.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



Мирзачўл районидаги Абай номли давлат хўжалигида ем-хашак жамғаришга катта эътибор берилаётир. Айниқса, алмашлаб экишни кенг йўлга қўйиш мақсадида беда майдонлари кенгайтирилмоқда. Беда — пахта алмашлаб экиш туфайли ерлар унумдорлиги ортаётир. Чорвачиликни ҳам янада ривожлантириш имконияти туғилди. Хўжаликнинг Назар Минтоев бошчилик озуқачилик звеноси аъзолари 73 гектар майдондаги беда дастлабки ўримидан 45 центнердан ҳосил йиғиштириб олишди. Уларнинг нияти — ҳосилдорликни янада ошириш.

СУРАТДА: комбайнчи Виктор Кудельки ва беда ўрими тасвирланган.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

ДАСТЛАБКИ ХАРИДОР

Қизилтепа район маҳаллий саноат корхонаси кенгайиб, унда янги-янги цехлар очилмоқда. Бу ерда ўтган ойда яна бир цех очилди. Яроқсиз темир-терсакларни эритиб, махсус аралашма қўшган ҳолда темир панжаралар тайёрлаётган цех маҳсулотлари ўз харидорларини топди.

Бу цехда ишлаб чиқарилган панжаранинг дастлабки харидори район кашшофлар уйи бўлди. Кейинги туркум панжараларни хўжалик ҳисобида ишлайдиган бошқа корхонаташкилотлар сотиб ола бошлади.

Азизобод қишлоғида гилам ва поёндоз тўқиш цехи очишга ҳозирлик кўриляпти. Бу эса яна 25 хотин-қизни иш жойи билан таъминлаш имконини беради. Корхона жаҳон бозорига маҳсулот чиқаришга ҳам тараддуд кўрмоқда.

Б. ЭГАМОВ,
Бухоро вилояти.

• *Таҳририятга хат*

ТАРИХИЙ НОМ ҚАЧОН ТИКЛАНАДИ?

Асака тарихий ном. «Буюк ипак йўли»нинг бир тармоғи Андижон орқали Асакадан ўтган. Асака йўли ва карвонсаройлар Атака ботир (Акаботир) томонидан қурилган. Сўнгра унинг номи билан аталган. Кейинчалик талаффузнинг ўзгариши натижасида Асака номи қолган дейилади бир ривоятда. Баъзи насабномаларда ўзбек уруғлари орасида асака уруғи тилга олинган. Юқоридагиларга асосан хулоса қилиш мумкинки, «асака» сўзи ўша вақтларда яшаган халқлар номидан келиб чиққан қадимий тарихий атамадир.

Инқилобдан кейинги йилларда Асака қишлоғи кенгайиб, шаҳар типидаги посёлкага айланган. Унинг номи аввало большевик Зеленский номига қўйилган ва 1934 йил 4 июлгача Зеленский посёлкаси деб атаб келинган. Кейинроқ эса бу посёлкага Ленинск деб ном берилган. Ҳозир Асака номининг тикланиши хусусида таклифлар айтилмоқда. Назаримизда, бу билан биз тарихий номни қайта тиклаган бўламиз.

Шаҳарнинг тарихий номи тикланса, бундан барча асакаликлар беҳад хурсанд бўладилар.

В. ИСОҚЖОНОВ,
Ўзбекистон ССР халқ депутати,

С. МАРАСУЛОВ,
жумҳуриятда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ҳурматли депутат ва кекса ўқитувчининг муддаолари эътиборга лойиқ, албатта. Узбекистон ССР давлат тили тўғрисидаги Қонун қабул қилиниши билан шаҳар, район ва вилоятларда атама ҳамда номларни тартибга солиш ҳақида изланиш, хулоса ва таклифлар тайёрлаш билан шуғулланувчи тузилмалар ташкил топган, Маҳаллий Кенгашлар бу соҳадаги масалаларни ўз ҳуқуқлари доирасида тегишли тартибда, яна қандайдир кўрсатма кутиб ўтирмай, амалга ошириб, ортиқча гапларга чек қўядилар, деб умид қиламиз.

МАКТАБ ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНИШ АРАФАСИДА

Гулистон районидаги 25-мактабда қурилиш-монтаж ишлари тугалланиш палласига кирди. Уни вилоят 2-агроқурилиш трестининг 474-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннаси азаматлари бунёд этишяпти.

— Мактаб қурилишига шу йил бошида киришилган эди,— дейди участка бошлиғи Юнусали Умматов.— Қурилиш ишлари тезкор суръат билан олиб борилмоқда. Бу эса мактабни янги ўқув йили бошлангунча ишга тушириш имконини беради.

Саккиз йиллик умумтаълим мактаби замонавий лойиҳа асосида барпо этилмоқда. Унда таълим-тарбия ишларини муваффақиятли ташкил этиш учун ҳамма имкониятлар яратиляпти.

Б. ЭШПЎЛАТОВ,
Сирдарё вилояти.

• *Шахсий томорқа хўжалиги: ютуқ ва муаммолар*

ЕРНИ ЭЪЗОЗЛАБ

Пишиқчилик давом этмоқда. Агар эътибор қилган бўлсангиз, эл дастурхонидаги дастлабки ноз-неъматлар шахсий томорқа хўжалиги деҳқонларининг меҳнати туфайли пайдо бўлди. Қолаверса, уларнинг маҳорати, фидокорона меҳнатларини кўриб халқимизнинг нималарга қодир эканига иқрор бўлиш мумкин.

Тўғри, томорқа хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларнинг сифати яхшилиги маълум. Бироқ, уларнинг нархи кўтарилиб кетаётгани ҳам сир эмас. Масалага шу нуқтаи назардан қараганда, жумҳуриятимиз Президентининг меҳнаткашларнинг шахсий томорқа хўжаликларини кенгайтириш, деҳқончилик учун ер ажратиш тўғрисидаги фармонлари айни муддао бўлди. Эндиликда бу тадбирларнинг кундалик ҳаётимиз, мўл-кўлчилигимизнинг келажаги учун ниҳоятда зарур эканини ким билмайди дейсиз.

Биз Сирдарё районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ленинград» жамоа хўжалигида ана шундай ибратли ишларнинг гувоҳи бўлдик. Бу ерда 1195 хўжалик бўлиб, уларда 7385 дан зиёд аҳоли яшайди.

Кейинги уч йил давомида 121 кишига 15 сотихдан ер берилган эди. Жумҳурият Президентининг Фармонидан сўнг шу йилнинг ўзида 78 гектардан зиёд ер ажратилди. Қишлоқ Шўро Кенгашига иш билан келган одамларнинг таъкидлашларича, ҳозир яна барча участкаларда одамларга томорқа хўжалиги учун ер ажратиб беришга қизғин тайёргарлик боряпти.

— Ер сўраб ариза бериб қўйган эдим, — дейди «Ленинград» қишлоқ Кенгаши паспорт-ҳарбий ҳисоби столи ходими Ўнғор Нурсаитов: — Томорқа хўжалиги учун 35 сотих ер олиш ниятидаман. Ер олсам, бошоқли дон, картошка, бошқа озиқ-овқат маҳсулотларидан экаман. Оиламиз катта. Икки оила 10 сотих жойда яшар эдик. Сиғмай қолдик. Шундай бўлса-да, бир парча жойда помидор, картошка, бодринг етиштириб, тирикчиликни ўтказиб турибмиз. Еримиз кенгайса, деҳқончилигимизга барака киради.

Хўжаликда бундай оилалар оз эмас. Бузоқбоқар Муҳаммад Сафаров, колхозчилардан Тўлқин Мирзалиев, Асалбой Тўймуродов, ота-бола Усмон, Ҳусанбой Сафаровлар ҳамда кўплаб жамоа аъзоларини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Уларнинг бари ўз томорқа хўжаликларини кенгайтириб олиш бахтига муяссар бўлган, эндиликда деҳқончиликка катта умид боғлаётган кишилардир.

— Мана шу майдонни яқиндагина одамларга бўлиб бердик, — дейди колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қўзибоқар Синдоров катта йўлнинг кунчиқар тарафидаги йирик маккажўхоризор экилган пайкални кўрсатиб. — Қаранг, катта ариқда сув шарқираб оқиб ётибди. Деҳқончилик учун жуда қулай. Йўлнинг кун ботар томонида кўриб турганингиздек, қурилишлар авж олган. Бу ерларни ҳовли жойлар учун ажратганимизга ҳам бир-икки йил бўлаётир.

«Ленинград» участкаси хўжаликнинг йирик қароргоҳларидан биридир. Биз раис айтганидек, бир-икки йил муқаддам шу ердан жой олиб уй қура бошлаган отахонларнинг бири билан суҳбатда бўлдик.

— Мирзачўлга Қашқадарёдан 1948 йили келганмиз, — дейди Мустафоқул Абдураҳимов, — Деярли чорак асрдан бери шу жойда ишлайман, 2-бригада қоровулиман, тўққиз нафар ўғлим бор. Колхоз бошқаруви ҳаммамизга мана шу ердан ҳовли-жой ажратган. Қурилиш материалларидан ёрдам беришяпти. Кўриб турибсиз, йўл ёқасида каттагина қилиб уй соляпмиз. Ҳовлига эса тирикчилик учун ярайдиган ҳамма нарсалардан экканмиз.

Дарҳақиқат, отахон ва унинг фарзандлари тиклаётган иморат, томорқасида етиштирилаётган деҳқончилик маҳсулотларини кўриб ҳавасингиз келади.

— Президент Фармонидан сўнг ҳар бир оилага 20—25 сотихдан ер берилаётирмиз, — дейди Қўзибоқар ака. — Бизнингча, бу ҳақиқатан ҳам тўғри сиёсатдир. Қишлоқ хонадонлари — қут-барака, мўл-кўлчилик манбаи. Лекин бу масалага илгарироқ эътибор беришимиз керак эди. Ерларимиз олтинга тенг, одамларимиз эса меҳнатсевар. Шундай элда қимматчилик деган гап юрса ҳаммамиз иснодга қолмаймизми? 337 киши қишлоқ Кенгаши орқали ер сўраб мурожаат қилган. Шу йилнинг ўзидаёқ бу талабларни қондириш чоралари кўрилаётир. Шу мақсадда «Боғаро» маҳалласида 64 хўжаликка 7 гектар, «Малик» пахта пункти маҳалласида 72 хўжаликка 14 гектар, «Қуёш» маҳалласида 30 гектар, «Ленинград», «Пахтакор» маҳаллаларида ҳам 7—8 гектардан ерни томорқа хўжаликлари учун ажратиб бериш режалаштирилган. Колхоз бошқарувининг қарори билан ер ажратиш комиссияси ҳар куни иш олиб бораётир.

Йил бошида хўжаликда шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари иттифоқи тузилди. Унга ёш, ғайратли мутахассис Умрзоқ Қўшбоқов раислик қилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу иттифоққа 330 дан зиёд хўжалик бошлиқлари аъзо бўлиб кирдилар. Уларнинг меҳнати билан шахсий хўжаликларда жами 156 тоннадан зиёд сабзавот, мева маҳсулотлари етиштириш ва одамларга сотиш юзасидан шартнома тузилган. Шахсий томорқа хўжаликларида помидор, пиёз, сабзи, саримсоқ пиёз, картошка, бодринг, қовун-тарвуз, узум, олма, олча етиштирилмоқда. Шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари иттифоқи уюшмаси аъзолари маҳсулот турларини кўпайтириш, одамлар манфаатдорлигини ошириш, хўжалик эгаларига ўғит, техника, бошқа керакли нарсалардан имкон борича ёрдам бериш йўлида ҳаракат қиляптилар. Айни пайтда етиштирилган маҳсулотларни вақтида қабул қилиб, истеъмолчилар, харидорларга етказиб бериш чоралари кўрилаётир.

Ҳа, шахсий хўжаликларни ривожлантириш, кенгайтириш ишларига ҳар қанча ёрдам берилса, жон куйдирилса арзийди. Демак, бу борадаги ишларни қўллаб-қувватлаш керак.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МОСКВА ҲОЗИРЛАНМОҚДА

● Москвада ўтказиладиган байрам тадбирлари ўзбек адабиёти асосчисининг номи билан боғлиқ шонли сана доирасидаги тантаналарнинг энг юқори нуқтаси бўлади. Пойтахтимиз сентябрь ойининг учинчи ўн кунлигида Ўзбекистондан, Ўрта Осиё минтақасининг бошқа жумҳуриятларидан, хорижий мамлакатлардан келган меҳмонларни қабул қилади. Турли сабабларга кўра, пойтахтга келган ўзбекистонликлар — бу ерда ўқиётган, хизмат вазифасини бажараётган, хизмат сафарида бўлган юртдошларимиз ана шу тантаналарнинг ҳаммасида қатнашадилар, албатта. Байрам москваликларнинг ҳам, меҳмонларнинг ҳам хотирасида сақланиб қолиши учун ҳозирдаёқ СССР Маданият вазирлиги, СССР Ёзувчилар уюшмаси, Москва шаҳар Кенгаши йўли билан унга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Пойтахтимизда Навоий юбилейини нишонлаш юзасидан ишчи гуруҳлари тузилди. Ана шу гуруҳлардан бири Ўзбекистонда бўлди. Унинг таркибига СССР Маданият вазирлиги, Москва шаҳар Кенгаши ижроия комитетининг маданият масалалари комитети вакиллари, бир қанча маданият саройлари, кутубхоналар, Шарқ халқлари санъати давлат музейининг раҳбарлари кирган эди.

— Биз қуёшли жумҳуриятингизга Навоий руҳидан баҳраманд бўлиш, шоир ижоди гуркираб, дилларни мафтун этган, у даҳо даражасига кўтарилган ўлкани ўз кўзимиз билан кўриш учун келдик, — дейди СССР Маданият вазирлигининг масъул ходими, ишчи гуруҳининг ҳамраиси Юрий Александрович Гурьянов. — Биз мутафаккир ўз умрининг бир неча йилини ўтказган кўҳна Самарқандда бўлдик. Бухоро, Хива, Шаҳрисабз сингари Ўзбекистоннинг дурдоналари билан танишдик, Гулистон ва Жиззахга бордик. Тошкент узоқ сафаримизнинг охирги нуқтаси бўлди. Биз бу ерга Шарқ ғаройиботларини кўриш учунгина келганимиз йўқ. Олимлар, ёзувчилар, маданият арбоблари, оддий кишилар билан суҳбатлашдик. Жумҳуриятингизнинг маънавий бойлиги ҳақиқатан ҳам жуда катта эканига, уни қамраб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилдик. Ўзбекистон ҳудудида кўп асрлар мобайнида неча авлод меҳнати билан ноёб маданий қадриятлар вужудга келтирилган. Бу маданий мерос инсонпарварлик мақсадларига хизмат қилмоқда, яхши кўшничликка чорламоқда. Бу бойлик Ўзбекистондагина эмас, бутун мамлакатимизда, бутун жаҳонда кенг тарғиб қилинишини хоҳлардик. Биз бу вазифани қисман бўлса-да, Навоий юбилейи тантаналарига бағишланган дастурда амалга оширмоқчимиз. Дастур СССР маданияти ва санъатини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан пул билан таъминланади.

Гуруҳ аъзолари катта режалар билан жўнаб кетишаётганини, Навоийнинг Москвада ўтказиладиган юбилейи тантаналари олдиндан ташкил этилиб, расмий равишда ўтказилмаслиги, балки халқларни яқинлаштириш ва ҳамжиҳатликка эришиш йўлида бир кўприк сифатида хизмат қилишини хоҳлаётганликларини айтишди. Улар тантаналар арафасида Москва кўчаларидан бирига шоир номи берилиши қувончли воқеа бўлганини айтдилар. Яқинда Волгоград районидаги 194-кутубхонага ҳам Навоий номи берилади. Кунцево районидаги 193, Октябрь районидаги 174-кутубхоналарда ҳам улуғ бобомиз таваллудининг 550 йиллигига бағишланган қатор тадбирлар ўтказилиши мўлжалланмоқда. Некрасов номли марказий шаҳар кутубхонасида илк бор навоийхонлик бўлиб ўтди.

— Мен Ўзбекистон ёзувчиларига бир илтимос билан мурожаат этишни хоҳлардим, — дейди Волгоград район марказий кутубхона тизими директорининг ўринбосари Марина Александровна Панюкова. — Кутубхонамиз Навоий номи билан аталгани ва биз ўзимизда ўзбек адабиёти бўлимини очиш ниятида эканлигимиз, ҳозир эса жамғармамизда амалда ўзбек китоблари йўқлиги сабабли совға қилинган китоблар асосида шундай кутубхонани вужудга келтириш оқилона иш бўлур эди. Дарвоқе, бу сафаримиз чоғида ана шундай кутубхонага асос солинди.

— Агар илтимосингизни қалам соҳиблари қўллаб-қувватласалар, улар китобларни қаерга юборишлари керак? — сўраймиз М. Панюковадан.

— Бизнинг манзилгоҳимиз: Москва, 109428, Зарайская кўчаси, 56-уй. Навоий номидаги 194-марказий кутубхона.

Ишчи гуруҳининг аъзолари сентябрь ойида ўтказиладиган тантаналарнинг дастури билан ҳам таништирдилар. Тантаналар Ўзбекистон доимий ваколатхонасида ўтказиладиган журналистлар билан учрашувдан бошланади. 23 сентябрь куни Лихачев номли автомобиль заводи ҳамда 1-давлат подшибник заводи маданият саройларида учрашувлар бўлади. Бу корхоналарда кўплаб ўзбекистонликлар меҳнат қилишмоқда. 24 сентябрда М. Горький номли адабиёт илмгоҳи талабалари ҳамда муаллимлари билан ва Ленин номли кутубхонада учрашув ўтказилади. 25 сентябрь куни СССР Ёзувчилар уюшмасида суҳбат, кечқурун эса СССР Катта театрида байрам бўлади.

Меҳмонларга яна битта савол бердик:

— Шахсан сиз учун Навоий қандай аҳамиятга эга?

Юрий Александрович Гурьянов:

— Шахсан мен Навоий билан жуда ёшлигимда танишганман. Ўшанда «Шоир кутубхонаси» деб аталган оммабоп туркумда чиқарилган асарларини ўқигандим. Ғазаллари мени қай даражада мафтун этганини ҳали-ҳали эслаб юраман. Бу ғазалларда Шарқ сухандонлиги билан унинг оҳанглари кишини ҳайратга соларли даражада уйғунлашиб кетган. Шоир сўзларни такрорлаган шартноманинг ҳар бир сўзи олам маънога эга. Жумҳуриятларнинг вазирликлари ушбу ҳужжат асосида ўзларининг маълум даражадаги режаларини амалга оширадилар, деган умиддаман. Худди шу мақсадда шартноманинг 4-моддасида аҳдлашувчи томонлар «...миллатлар вакилларининг сиёсий ҳуқуқларини ҳамда ҳар томонлама ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш имкониятларини кафолатлайдилар» деб жуда тўғри белгиланган.

Ана шу шартномага асосланиб икки жумҳурият халқ таълими ва олий таълим вазирликлари шу ўқув йилидан бошлаб кооперация йўли билан икки жумҳурият олийгоҳларида миллий кадрлар тайёрлаш бўйича шартнома туздилар.

Биргина Жиззах вилоятида статистика маълумотларига кўра 25 мингга яқин қирғиз миллатига мансуб аҳоли яшайди. Улар ҳам вилоят ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол қатнашмоқдалар. Ўтган йилги сайловларда қирғиз халқининг 181 вакили маҳаллий Кенгашларга депутат этиб сайланди. Мен билан наманганлик Сожирахон Ботирқулова эса жумҳурият халқ депутатларимиз.

Вилоят, шаҳар, район партия қўмиталари составида кўплаб вакилларимиз фаолият кўрсатишмоқда. Ўнлаб мутахассислар вилоят, район ташкилотлари, бирлашмалари, давлат хўжалиги раҳбарлари вазифаларида ишламоқдалар. Бу эса халқларимиз ўртасидаги дўстлик, қардошлик рамзидир.

Шу билан бирга бу ерда яшаётган халқлар вакилларининг партия, совет, касаба союз, ҳуқуқ ва маъмурий органларидаги муносиб иштироки масаласи яна бир кўриб чиқилади деб ўйлаймиз. Дўстларга ишониш, улардан халқ хизматида дадил фойдаланавериш керак.

Миллатлар ўзлигини таниётган бир даврда ҳар бир миллатда ўз тили, санъати, маданиятини билиш эҳтиёжи туғилмоқда. Шунинг учун ҳам давр тақозосига кўра миллий тилдаги мактаблар, синфлар очиш, аҳоли зич яшаётган жойларда рўзномалар саҳифалари чиқариш, миллий тилда радио эшиттириш, зангори экран мулоқотлари ташкил қилиш, халқ талантлари кўриклари ўтказиш, турли фестивалар ташкил қилиш, Ўзбекистонда қирғиз халқ театри, ашула ва рақс ансамблари ташкил қилиш айни муддао бўлур эди. Жумҳуриятимиз вазирликлари шу ҳудудда яшаётган миллатэлатларнинг орзу-истакларига пешвоз чиқадилар, албатта.

Ўзбекистон қирғизлари номидан, ўзбек дўстларим ва сайловчиларим номидан ишонч билан айтишим мумкин, Президентларимиз имзолаган ва сессияда тасдиқланган шартнома икки қардош халқларга бахт-саодат, хурсандчилик, меҳр-оқибат ва юксак самаралар келтиради!

Бизларнинг тарихий тақдиримиз бир, келажагимиз бир, яйлов ва водийларимиз туташ, тилимиз ва дилимиз бир, маданият ва санъатимиз ҳам яқин, бир дарёнинг сувини ичамиз, қўйингчи, бозоримиз ва мозоримиз бир. Ҳеч бир куч бизни ажрата олмайди.

Х. ШУКУРОВ,
Ўзбекистон ССР халқ депутати, Жиззах вилоят халқ назорати қўмитаси раисининг ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди.



БОҒЛАР БОЛИ

Серқуёш Ўзбекистонимиз боғ-роғларида айни пишиқчилик. Олма-ю анжир, шафтоли-ю олхўри бол тўкиб турибди. Тоғзорларда ҳам чиллакию кишмиш етилди. Миришкор боғбонлар етилиб пишган ҳосилни пешма-пеш йиғиштириб, эл дастурхонига тортиқ этаётирлар.

Шаҳарликлар Фарғона районидаги Усмон Юсупов номли узумчилик, боғдорчилик ва виночилик давлат хўжалиги боғбон-соҳибкорларига ўз ташаккурларини изҳор этмоқдалар. Айниқса хўжаликнинг биринчи бўлимига қарашли иккинчи бригадаси етакчиси Жалолқори Мўйдинов амалга ошираётган ишлар диққатга сазовор. Бригада аъзолари бу йил 320 тонна узум, 76 тонна шафтоли йиғиштириб олиб, эл дастурхонига тортиқ этишни режалаштиришган. Улар дастлабки режани аллақачон бажариб қўйишди: 9 тоннадан зиёд гилос тайёрланди. Ҳозир эса бригада боғларида чиллаки узиш қизғин. Бу ишда сиз суратларда кўриб турган Рисолат Йўлдошева (юқорида) ва Муборак Мўйдинова кўпчиликка намуна бўлишмоқда.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

● *Халқ депутати ўйлари*

Хайриятки, Иттифоқ шартномаси талаб ва қондаларини жумҳуриятлар Олий Кенгашларида тегишлича муҳокама қилиш, ошкоралик руҳида ўз фикр-мулоҳазаларимизни айтиш, шунингдек, жумҳуриятимизнинг суверен давлат сифатида бошқа жумҳуриятлар билан ҳар соҳада музокара ва мунозаралар олиб бориш, шартномалар тузиш ва уни тасдиқлаш вақтига етиб келдик. Бу имкониятнинг яратилиши бир неча ўн йиллаб назарняда ва тилдагидек бўлиб, лекин ўзининг ҳақиқий аксини ва ифодасини топмай келган демократиянинг маҳсулидир, қайта қуриш натижасидир.

САХОВАТ ВА САДОҚАТ

Биз Ўзбекистонда яшовчи қирғизлар, ўтган йилги нохуш воқеаларга бефарқ қарай олмаймиз. Бироқ кўнгли кенг, меҳри дарё, саховатли ўзбек халқи, раҳбарларимиз ўзлигини тарих олдида яна бир карра исбот этдилар. Президентимиз Ислом Каримовдан, Қирғизистон Президенти Аскар Акаевдан, олий даражадаги делегация аъзоларидан чексиз миннатдор бўлиб, икки ака-уканинг бегоналар қилмишидан «азият чекиб», бирбирига меҳр изҳор этиш жараёнларини телевизор орқали яна такрор кўриб юракларимиз тўлқинланди. Оммавий ахборот воситалари ходимларининг етуклигига ҳам, санъаткорларимиз маҳоратларига ҳам минг бор раҳматлар айтдик.

Дили, эътиқоди бир бўлган халқларнинг келажагини кўра олмаган малъунлар исканжасига бир зум бўлсада тушиб қолган халқларнинг дардига малҳам бўлиш, оғир кунлар заҳрига бардош бериш, уларни мардонавор енгиш, ўзларининг ўзлигини, халқларнинг тарихий тақдирини англаб, бир-бирларига меҳр-оқибат ва мурувват билан қўл бериш бу фақат келажакка ишонган юксак иродали буюк инсонларгагина хос. Бу иш фақат шундай доно йўлбошчиларнинггина қўлидан келади.

Биз ўзбекистонлик қирғизлар мана шу жумҳуриятимизнинг келажаги учун курашиб келганмиз, яна ҳам курашаверамиз. Бизнинг Ватанимиз — Ўзбекистон. Бу ном биз учун ҳам азиз ва мўътабар. Ўзбек деган оғамиз, авлодимиз бор. Икки жумҳурият Олий Кенгашларининг биринчи раислари, икки дўст И. Охунбобоев, А. Ўрозбековлар эзгуниятларини, кўпни кўрган нуроний отахону онахонларимизнинг ўгитларини дилимизга жо қилиб ҳамжиҳатлик, тотувликда яшамоғимиз керак.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган V сессиясида тасдиқланган шартноманинг ҳар бир сўзи олам маънога эга. Жумҳуриятларнинг вазирликлари ушбу ҳужжат асосида ўзларининг маълум даражадаги режаларини амалга оширадилар, деган умиддаман. Худди шу мақсадда шартноманинг 4-моддасида аҳдлашувчи томонлар «...миллатлар вакилларининг сиёсий ҳуқуқларини ҳамда ҳар томонлама ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш имкониятларини кафолатлайдилар» деб жуда тўғри белгиланган.

Ана шу шартномага асосланиб икки жумҳурият халқ таълими ва олий таълим вазирликлари шу ўқув йилидан бошлаб кооперация йўли билан икки жумҳурият олийгоҳларида миллий кадрлар тайёрлаш бўйича шартнома туздилар.

Биргина Жиззах вилоятида статистика маълумотларига кўра 25 мингга яқин қирғиз миллатига мансуб аҳоли яшайди. Улар ҳам вилоят ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол қатнашмоқдалар. Ўтган йилги сайловларда қирғиз халқининг 181 вакили маҳаллий Кенгашларга депутат этиб сайланди. Мен билан наманганлик Сожирахон Ботирқулова эса жумҳурият халқ депутатларимиз.

Вилоят, шаҳар, район партия қўмиталари составида кўплаб вакилларимиз фаолият кўрсатишмоқда. Ўнлаб мутахассислар вилоят, район ташкилотлари, бирлашмалари, давлат хўжалиги раҳбарлари вазифаларида ишламоқдалар. Бу эса халқларимиз ўртасидаги дўстлик, қардошлик рамзидир.

Шу билан бирга бу ерда яшаётган халқлар вакилларининг партия, совет, касаба союз, ҳуқуқ ва маъмурий органларидаги муносиб иштироки масаласи яна бир кўриб чиқилади деб ўйлаймиз. Дўстларга ишониш, улардан халқ хизматида дадил фойдаланавериш керак.

Миллатлар ўзлигини таниётган бир даврда ҳар бир миллатда ўз тили, санъати, маданиятини билиш эҳтиёжи туғилмоқда. Шунинг учун ҳам давр тақозосига кўра миллий тилдаги мактаблар, синфлар очиш, аҳоли зич яшаётган жойларда рўзномалар саҳифалари чиқариш, миллий тилда радио эшиттириш, зангори экран мулоқотлари ташкил қилиш, халқ талантлари кўриклари ўтказиш, турли фестивалар ташкил қилиш, Ўзбекистонда қирғиз халқ театри, ашула ва рақс ансамблари ташкил қилиш айни муддао бўлур эди. Жумҳуриятимиз вазирликлари шу ҳудудда яшаётган миллатэлатларнинг орзу-истакларига пешвоз чиқадилар, албатта.

Ўзбекистон қирғизлари номидан, ўзбек дўстларим ва сайловчиларим номидан ишонч билан айтишим мумкин, Президентларимиз имзолаган ва сессияда тасдиқланган шартнома икки қардош халқларга бахт-саодат, хурсандчилик, меҳр-оқибат ва юксак самаралар келтиради!

Бизларнинг тарихий тақдиримиз бир, келажагимиз бир, яйлов ва водийларимиз туташ, тилимиз ва дилимиз бир, маданият ва санъатимиз ҳам яқин, бир дарёнинг сувини ичамиз, қўйингчи, бозоримиз ва мозоримиз бир. Ҳеч бир куч бизни ажрата олмайди.

Х. ШУКУРОВ,
Ўзбекистон ССР халқ депутати, Жиззах вилоят халқ назорати қўмитаси раисининг ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди.

● ОҚИБАТ

МЕҲРГА МУҲТОЖЛАР

● СОЛДАТСК. Ғалаба ноҳияси партия, совет ташкилотлари меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш йўлида муайян ишларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, шу йилнинг ўзида пенсионерларнинг оладиган маошлари камида 100 сўмга етказилади. Айни пайтда уларга гўшт маҳсулотлари давлат нархида сотилмоқда.

● ТАҚДИРЛАШ

ЯХШИ ОДАТ

● ТЎЙТЕПА. Ўрта Чирчиқ райони кўпмиллатли ҳудудлардан. Маросимларда хонадонлар ҳамиша серфайз бўлади.

Бу ерда яхши одат амал қила бошлади. Шу қишлоқнинг маъмурий идора, ташкилотлар раҳбарлари тўйлар эгаларини моддий ва маънавий рағбатлантирадиган бўлди.

А. МАННОПОВ.

ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ

Табиий офат оқибатида азият чеккан ва бошпанасидан маҳрум бўлган кишилар янги Жигаристон кўрғонида қуриб битказилган бешта уйга кўчиб кирдилар. Ҳаммаси бўлиб Жигаристонда 15 та уй қуриб битказилди. Катта қурилиш майдонида Ангрен шаҳар комсомол қўмитасининг фаоллари бошчилигидаги ўнлаб йигит ва қизлар жонбозлик кўрсатдилар.

Суратларда: 1. Янги уйга кўчиб келдилар. 2. Қурилишда фаол қатнашган комсомол ёшларининг бир гуруҳи.

Р. ШАГАЕВ (ЎзТАГ) олган суратлар.

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ОҚИБАТИ»

Рўзномамизда юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган мақолада (17 май 1991 йил) Охунбобоев райони хўжаликларида сув етишмаслиги экинларни парваришлашда катта қийинчиликлар туғдираётгани, 20 апрелда ишга тушириши мўлжалланган «Р-2» ариғини қазиш чўзилиб кетаётгани, катта Андижон каналига насос ўрнатиш режалаштирилган бўлсада бу иш бошланмагани, шунингдек айрим саноат корхоналаридан чиқадиган ифлос сувлар тозаланмаётганлиги туфайли экологик ҳолат бузилаётгани танқид қилинган эди. Яқинда мақола юзасидан тегишли ташкилотлардан жавоб келди.

«Фарғонаводстрой» қурилиш бошқармаси

Қизилтепа зонасидаги икки минг гектар ернинг сув таъминотини яхшилашга мўлжалланган 3,7 километрлик «Р—2» ариғини қазиш учун смета бўйича 440,78 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши лозим.

1991 йил учун белгиланган планга кўра буюртмачи Фарғона хўжаликлараро кенгаш бош пудратчи — «Фарғонаводстрой» қурилиш бошқармаси билан ариқнинг 1,5 километрлик қисмини шу йилнинг тўртинчи чорагида қуриш ва шу муддатда 250 минг сўмлик иш бажариш бўйича шартнома имзолаган.

Кейинчалик Охунбобоев район ижроия қўмитаси 1991 йилда сув танқислиги кутилаётганни муносабати билан ариқнинг ҳаммасини тезроқ ишга тушириб беришни сўраб илтимос қилди. Шуни ҳисобга олиб, биз 3,7 километрлик ариқни 20 апрелга қадар фойдаланишга топширишга ваъда берган эдик. Аммо айрим сабабларга кўра бу муддат бирмаз кечикди. Яқинда ариқ тўла таъмирланиб ишга тушириди.

Халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгаш ижроия қўмитаси.

Мақола барча манфаатдор ташкилотлар вакиллари иштирокида вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида муҳокама қилинди. Унда Охунбобоев районидаги саноат корхоналари ва «Октябрь 50 йиллиги» колхози раҳбарлари ҳам қатнашдилар. Юз берган вазиятни ўрганиш учун вилоят санитария-эпидемиология станцияси, агросаноат комитети, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, саноат корхоналари мутахассисларидан иборат комиссия тузилди. Комиссияга жойларда экологик вазиятни яхшилаш бўйича аниқ норатадбирлар комплексини ишлаб чиқиш топширилди.

Энди район ерларини сув билан таъминлаш масаласига келсак, ҳозир «Р—20» ариғини ковлаш тугалланган. Фарғона ва Андижон каналларида насос станциялари қуриш мўлжалланмоқда.

● *ҲОСИЛ—91* ●

ЖЎЯКЛАРДА ЖИЛДИРАЙДИ СУВ

● *Репортаж*

Сокин ва беғубор тонг отаётган бир паллада пахтазорни айланганмисиз? Майин шабада киши қалбига ҳузур бағишлашини юракдан ҳис этганмисиз?

Ҳосилга-ҳосил қўшиш ойи давом этаётган шу кунларда Бекобод районидаги Ленин номли жамоа хўжалигининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Адолат Рўзматова бошчилик қилаётган бригадаси даласида ана шундай кайфиятни ҳис қилдик. Омадни қаранг, хўжалик раиси ҳам, бригада саркори ҳам шу ерда экан. Улар билан бир дам суҳбатлашиб турган эдик, ўрта бўйли, қорамағиздан келган бир киши келиб қолди.

Мен уни яхши биламан. Жамоа хўжалигининг бош сувчиси Синдор Маҳмудов бўлади. Содда, тиниб-тинчимас, заҳматкаш инсон. Қизиқ табиати бор. Баъзида ишларини шогирдига топширади-да, ўзи жамоа хўжалигининг бошқа бригадаларига бирров айланиш учун чиқиб кетади. Ўзининг таъбирича «разведка» қилади. Йўл-йўлакай ҳамкасбларидан ўз йўриқларини, маслаҳатларини аямайди. Ҳам ўрганиб, ҳам ўргатиб қайтади. Гоҳида ҳазил-мутойиба қилиб айримларга тегишиб ҳам ўтади:

— Мулла Абдураҳмон, вақт кутиб турмайди, отни қамчиланг, биз учинчи сувни бошлаб, ярмига етказиб қўйганимиз аллақачон эди.

Абдураҳмон Каримбердиев бунга лом-мим деёлмай қолади-да, ишга янада жиддийроқ киришиб кетади. Синдор ака эса йўлини давом эттириб, ёшроқ сувчини тергаб қўяди.

— Укам, сувни жилдиратиб тара, этагига туширишга ошиқма, қоғозни мана бундоқ бос, ўқдиними, ҳа, баракалла.

Энди бу жонсарак деҳқонни далаларни айланиб, ўз бригадасига келгайда кўринг.

— Биз ҳам пахта етиштирямиз, — деб юрган эканмизда — дейди у куйиб-пишиб. — Бошқалар аллақачон бизидан ўзиб кетибди. Ана шона-ю, ана гулу, ана кўсак. Шиғил-шиғил-ку! Ҳали ҳам вақт бор, тезроқ ҳаракатимизни қилмасак бўлмайди, йўқса доғда қоламиз.

Бригада аъзолари тараддудланиб қолишади. Синдор Маҳмудов бўлса енгларини шимаради-да, шитоб билан пайкалга кириб кетади. У сувнинг оқишини кузатади, қоғозларни янгилайди, ҳар бир эгатдаги сувнинг ўлчови, оқиш меъёри, оёқланиш вақти диққат-эътиборида бўлади. Бу борада гўё ҳар туп ғўза бир фарзанд-у, у меҳрибон отага айланади. Унинг назарида барча ғўза бамисоли тирик жон, у ҳам нафас олади, очиқади, баъзан касал ҳам бўлади. Лекин дардини ҳар кимга ҳам айтавермайди. Гапни гапир уққанга, деганларидек ўзининг чин соҳибига ёрилади. Бу дала соҳиби эса Синдор акага ўхшаган бободеҳқонлар бўлади. Бундайларга ҳар туп ғўзанинг эрта баҳорда униб чиқиши бир байрам бўлса, гуллаши, кўсак тугиши, очилиши инчунун байрам.

Мана ҳозир ҳам Синдор ака қаршимизда лоторея чиптасига ютуқ чиққан кишидек қувониб ўтирибди, оғзи қулоғида. Гоҳи-гоҳида бошини силаб-силаб қўяди. Чорак асрдирки, у жамоа хўжалигида сувчилик вазифасини сидқидилдан адо этиб келяпти. Бу йиллар мобайнида ҳосилдорликни оширишга муносиб ҳисса қўшди. У сув тараган пайкалларда доимо пахтадан мўл ҳосил етиштирилади. Жамоа хўжалигида ҳамма уни ҳурмат қилади. Сабаби бир хўжаликда ишлаб кам бўлаётгани йўқ. Шу ерда заввасини топди. Ҳозир улар бир этак фарзандни ўстириб вояга етказишяпти. Тажрибали сувчи дала шийпонига келганидан суюниб, ҳол-аҳвол сўраймиз:

— Синдор ака, ғўзаларга сув тараганда эгатларни неча метр оласизлар?

— Ўқ ариқларни 150 метр, Шу майдонларга сув тараяпман.

Ҳозир ғўзаларда тўрттадан еттитагача кўсак бор. Биз сувни августнинг ўрталаригача қуйиб бўламиз. Шундан кейин пайкалларни яна бир кўздан кечириб чиқамиз. Ўзинга етарли сувни олмаган пайкаллардаги ғўзаларга тўрттинчи бор сув берамиз...

Ҳа, Синдор Маҳмудов чиндан ҳам пахта илмини «сув» қилиб ичиб юборган деҳқон. Энг муҳими, у хирмоннинг бут бўлиши ўзининг ва касбдошларининг маҳоратига боғлиқ эканлигини яхши ҳис этади. Шу сабабли у меҳнат қилаётган Адолат Рўзматова бошлиқ бригада пахтакорлари ҳар йили жамоа хўжалигида биринчилар қатори режани бажариб келяпти. Аҳил жамоа бу йил ҳар гектар майдондан 34 центнердан ҳосил олиш учун курашяпти. Бу борада Синдор Маҳмудовнинг ҳамкасби Тойир Омонов ва механизаторлар Абдукарим Анорқулов, Суюнбой Турсунбоевлар ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Хўжаликда шундай меҳнаткаш сувчи ва механизаторлар бор экан, бу йил ҳам пахта ҳосили мўл бўлиши шубҳасиз. Зеро, бу йил хўжалик деҳқонлари 2 минг 100 гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқда. 5 минг 500 тонна пахта етиштириш режалаштирилган.

Шу куни Абдулла Ўсаров, Пардабой Маллабоев, Муҳиддин Дўстмуродов бошлиқ бригадаларда ҳам қизғин меҳнатнинг гувоҳи бўлдик. Бу ерда ҳам Синдор Маҳмудовнинг шогирдларини учратиб, улар билан ширин суҳбат қурдик. Ҳамма эртаки, сифатли, мўл ҳосил етиштириш ишқида баракали меҳнат қилаётганлигига амин бўлдик.

А. ФОЗИЛОВ.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАН

Усмон Юсупов районидаги Беруний номли совхозда 30 ўринли шифохона қурилиб ишга туширилди.

Бу ерда ўнлаб шифокорлар беморларга тиббий хизмат кўрсатмоқдалар. Шунисн диққатга сазоворки, касалхонадаги барча сарф-харажатлар совхоз ҳисобидан бўлаяпти.

(ЎзТАГ).

Умрбоқий дўстлик

ОҚ ДЕНГИЗ ЧОРЛАЙДИ

●

БУГУН ТОНГДА ЎЗБЕКИСТОН ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИДАН ИБОРАТ ДЕЛЕГАЦИЯ ТОШКЕНТДАН МУРМАНСК ШАҲРИГА УЧИБ КЕТДИ.

●

Вакилларимизнинг сафаридан мақсад — бепоён Ватанимизнинг шимолий чегараларидаги сувларда ҳарбий хизматни муваффақиятли ўтаётган ўзбекистонлик жангчилар ҳузурида бўлиш ва улар билан биргаликда СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти куни байрами маросимларида қатнашишдир.

Делегация сафида Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, адиблар, журналистлар, санъаткорлар, бадиий ҳаваскорлик жамоалари ва пазандалар бор.

Делегация раҳбари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Мудофаа, давлат хавфсизлиги ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси раиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати Вилор Ниёзматов бундай деди:

— Ўзбекистон ҳукумати кейинги пайтларда Совет Армияси жанговар қисмларида хизматни ўтаётган ўзбекистонлик йигитларимизнинг кундалик ҳаётидан хабар олиш, улар ўртасида ҳарбий ватанпарварлик ишларини олиб бориш, ота-оналар билан жангчиларнинг бевосита учрашувларини уюштириш борасида диққатга сазовор ишларни олиб бормоқда. Жумҳурият Олий Советининг қўмитаси ва жамоатчи ташкилотлар бу борада анча фаоллик кўрсатмоқдалар. Бепоён Ватанимизнинг турли жойларида хизмат қилаётган вакилларимиз ҳузурига тез-тез бориб туриш яхши анъанага айланиб қолди. Бу галги сафаримиз ҳам ана шундай хайрли мақсадни ўз олдига вазифа қилиб қўйган. Қўмита Қизил Байроқли Шимолий флот қўмондонлиги билан ўзаро келишувга биноан дўстлик ва қардошлик учрашувларини ўтказишга тайёргарлик кўрди. Бу тадбир СССР Ҳарбий Денгиз Флоти кунига тўғри келганлиги айни муддао бўлди. Биз сафар чоғида Оқ ва Баренц денгизлари ўраб турган қаҳрамон диёрдаги ҳарбий кемаларда бўламиз, ўзбекистонлик жангчиларимизнинг жанговар тайёргарлиги ва турмуши билан бевосита танишамиз. Бу тадбирларда Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим, СССР халқ депутати Абдулла Орипов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Теша Мўминов, афғончи жангчи А. Мавлонов ва бошқалар қатнашадилар.

Паркент ноҳиясидаги «Паркент гуллари» ва Тошкентдаги «Олтин водий» бадиий ҳаваскорлик жамоалари ижодкорлари концертлар беришади. Тадбирлар чоғида катта қозонларда паловлар дамланади. Бундан ташқари Тошкент ноҳияси ва пойтахт савдо ташкилотлари тайёрлаган нозне ъматлар жангчилар дастурхонига қўйилади.

Абдулла ПУЛАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири, сафар қатнашчиси.

«РАҚҚОСА ХИРОМ ЭТСА...». Тўлқин КАРИМОВ олган сурат-этюд.

«ЛЕНИН ЧОЛЫ» РЎЗНОМАСИ МУШТАРИЙЛАРИ ДИҚҚАТИГА

1992 йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна мавсуми яқинлашяпти. Хакасия автоном республика ҳаёти билан қизиқадиган кишилардан хакас тилида чиқадиган «Ленин чолы» рўзномасига ўз вақтида ёзилишингизни илтимос қиламиз.

Бизнинг рўзномамиз бутун мамлакат бўйлаб — Камчаткадан Болтиқ бўйигача, Норилск шаҳридан Ўрта Осиёдаги республикаларгача тарқатилади. Рўзнома ҳафтада беш марта чиқади. У мамлакатдаги энг арзон нашрдир, йиллик обуна нархи — 10 сўм. Агар унга ёзилишни истасангиз, ўзингиз яшаб турган жойдаги яқин алоқа бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин. Бутуниттифоқ рўзнома ва ойномалари каталогида унинг индекси ҳам қайд этилган.

«Ленин чолы» рўзномаси муҳарририяти.

• Саломатлик ёмбиси

ЎРИКНИНГ ХОСИЯТИ

Икки забардаст Ҳимолай ҳамда Ҳиндиқуш тоғлари оралиғида сўлим оҳанграбо водий бор. Ўйноқи Ҳунза дарёсининг икки соҳилида буришки элати яшайди. Мазкур халқнинг ҳаёти, турмуш тарзини ўрганган шифокор ва сайёҳлар таажжуб билан «Касаллик нималигини билмайдиган халқ», «Жаннатмакон ўлка», деб талқин қиладилар.

Тадқиқотчиларни ажаблантириб лол қилган нарса буришкиларнинг мутлақ хасталанмаслиги ҳамда умри узоқлигидир. Бунга асосий сабаб иқлим шароити, мусаффо элнинг одамлари ўрикни кўп истеъмол қилишар экан. Ёзда эса ўрикзорларнинг сўлим соясн танга шифо ва ҳузур бағишлайди.

Ўрик нафақат Ҳунза водийсида, балки Ўрта Осиёнинг тоғли масканлари: Бадахшон, Юқори Зарафшон, Исфара, Риштон, Сўх, Ленинобод, Ўш, Водил, Чимён, Чуст, Андижон Янгиқўрғон каби жаннатмакон масканларида ҳам азалдан эъзозланиб келинди. Археологик қазишмалар шуни кўрсатадики, бундан қарийб 4,5 минг йиллар бурун ёзилган манбаларда ўрик инсон ҳаёти учун зарур ўсимликлар — бўғдой, арпа, зайтун, узум, хурмо билан бир даврда етиштирилган. Халқ селекцияси асосида исфарак, қантак, хурмойи, мирсанжали, субҳони, муллақанди каби сара навлар яратилдики, уларнинг таркибидаги қанд миқдори 85 фоизгача етади. Ўрик мевасининг яна бир хислати шундаки, уни осонликча қайта ишлаш мумкин, яхши сақланади, сафарбоп таом.

Ўтган асрда француз Ральф Биршер буришкилар орасида уч йил мобайнида яшаб, уларнинг ҳаётини яқиндан ўрганган. У хунзаликлар ўртача 90—100 йил умр кўришларини аниқлаган. Буришкиларнинг нонуштасида доимо бир пиёла «ўрик сути» деб номланувчи шарбат бўлган. Шарбат тайёрлаш учун ўрик мағизлари янчилиб, чашма сувида димланиши лозим бўлади. Абу Али ибн Сино ҳам ўрик меваси ва унинг мағизи табобат амалиётида кенг қўламда ишлатилувчи неъмат эканлиги ҳақида маълумот беради.

Ўрик пектин моддаларига бой. Бу омил ўз навбатида киши организмидаги заҳарли оғир металл тузларининг чиқиб кетишига ёрдам беради. Шу жумладан, радиоактив моддалардан аъзоларни мусаффолантиради. Ўрик мевалари таркибида муштарак ҳолда А, B_1, B_2, B_6, B_{12}, B_{15}, С, Р, К, Н, Е дармондорилари мавжуд. Агар киши 100 грамм ўрикни истеъмол қилса, организмнинг А, B_1, B_{12}, Р, Е дармондориларга нисбатан бўлган кеча-кундуз эҳтиёжини қондиради. Шунча миқдорда истеъмол этилган ўрик 250 грамм сархил мол жигари каби қон таркиб топишига ёрдам беради. Ўрик бошқа табиат неъматлари ичида пангам кислотаси — витамин B_{15} сақлайдиган ягона манба ҳисобланади. Ўрик таркибида шунингдек, натрий, магний, фосфор, олтингугурт, кальций, мис, рух, марганец, кобальт, фтор мавжуд бўлиб, инсон организмининг ҳаётий фаолиятида жуда муҳим аҳамиятга эга. Ўрик ўзида темир элементини сақлаши туфайли камқон беморларга тавсия этилади. Ўрик меваларида салмоқли миқдорда мавжуд калий тузлари эса юрак-қон томир касалликларига чалинганлар учун жуда зарур. Шу боисдан ҳам у парҳез маҳсулот сифатида ортиқча вазндан (ҳомсемизликдан) халос бўлиш учун шифокорлар томонидан тавсия этилади.

Хитой табобатида ўрик бўлардан ташқари ҳарорат пасайтирувчи, балғам кўчирувчи омил сифатида атрофлича синалган доривор омилларидан ҳисобланади. Бу серхосиятли неъмат маълум даражада овқатнинг яхши ҳазмланишига ижобий таъсир кўрсатади, у нафис сурги воситаси ҳамдир. Кейинги вақтларда озиқ-овқат дўконларидаги пештахталарда «Ўрик мойи» (Абрикосовое масло») учрамоқда. Мазкур турдаги хосиятли мойни Қўқон ёғ-мой комбинати чиқармоқда. Бу мой ўз таркибида тўйинмаган олеин, линолен ва арахидон ёғ кислоталарини сақлайди. Ўрик данаги пўчоқлардан тайёрланган сорбентлар ўз навбатида организмнинг мусаффоланишига ёрдам беради. Ўрик шохлари ва танаси қўрли ўтиндир. Осиё мамлакатларида ўрик ёғочидан турфа хўжалик ашёлари тайёрланади, тарақдан тортиб омочгача, мусиқа асбобларидан тортиб метин дастгоҳларгача ясалади. Ўрик умрбоқийлиги (150—200 ёшгача ва ундан ортиқ яшаши мумкин). билан ажралиб туради, эрта мевага киради ва йилдан-йилга ҳосил салмоғини ошириб боради. Жумладан, 10—12 ёшли ўрик дарахти 200—300 килограмм ҳосил бериши мумкин. Айримлари 50—70 ёшида 400—500 килограмм ва ундан зиёд ҳосил етиштиради.

Афсуски, шундай ноёб дарахт ва унинг мевалари мамлакатимизда, хусусан жумҳуриятимизда кейинги йилларда камайиб кетяпти. Кўҳна замонлардан бери ўрик асосан тоғолди районларига экиб келинарди, улар катта майдонларни ишғол этган. Водийларда алоҳида бунёд этилган ўрикзорлар бўларди.

Бизда йил сайин ўрик етиштириш камайиб кетаётган бир пайтда, АҚШ, Италия, Франция, Венгрия, Болгария, Испания, Югославия, Греция ва яна бир қатор хорижий мамлакатларда ўрикзорларни кўпайтиришга катта аҳамият берилмоқда.

Адолат юзасидан айтиш керакки, кейинги йилларда жумҳуриятимизнинг айрим районларида ўрик етиштирувчи хўжаликларни қайта тиклашга ҳаракат қилинмоқда. Масалан, Фарғона областининг Риштон районида ихтисослаштирилган «Ўрикзор» хўжалиги ташкил қилинди. Катта ўрик плантациялари Фарғона водийсида (Водил ва Чимёнда), Наманган областининг Чуст, Косонсой ва Янгиқўрғон районидаги бир қатор хўжаликларда барпо этилган. Андижон областининг адир ва қайир ерларида ўрикзорлар кенгайтирилмоқда. Қаранг, булар қандай жозибали, эътиборга лойиқ тадбир. Наманган шаҳри билан Янгиқўрғон райони марказигача чўзилган 30 километрли равон йўлнинг ҳар иккала тарафига ўрик ва бошқа мевали дарахтлар тартиб билан ўтқазилган. Самарқанд шаҳридан Навоий шаҳригача бўлган йўл ёқаларига мевали дарахтлар ўтқазилаётганлиги қувонарли. Хоразм область, Шовот районидаги «СССР 60 йиллиги» совхози майдонларига ўтқазилган мевали дарахтлар ва токзорларни кўриб севинасан киши.

Ишонч билан айтамизки, ўрикнинг серхосиятлилигини, инсон ҳаётида бебаҳо озиқ маҳсулоти эканлигини инобатга олиб, ҳар бир киши ва хўжаликлар тупроқ, муҳит шароитларига мос ўрик навларини экиб кўпайтирадилар.

М. МУҲАММАДЖОНОВ,
ЎзССР Фанлар академиясининг академиги.

ТАБИИЙ МУОЛАЖА

Самарқандда вилоят чет эллар билан алоқа қилиш уюшмаси таклифига кўра кореялик шифокорлар тиббий марказ очдилар. Пуллик тиббий хизмат бу ерда бошқа тиббий тижорат муассасаларидагига нисбатан анча арзон: уч сўм, бир кунлик тиббий муолажа учун эса 25 сўм тўласангиз бас.

Тиббий марказ энг замонавий ташхис қўйиш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган, беморлар игна билан даволаш усуллари билан даволанмоқда.

— Ҳозирча ўн нафар мутахассис ишлаяпмиз, — дейди Пхеньян Фанлар академиясининг собиқ ходими, профессор Ким Сонг Те. — Асосий иш мезонимиз беморга халқ табобати йўли билан шифо бахш этиш.

Шаҳарнинг Темирйўл районидаги кўп қаватли уйлардан бирининг ертўласига жойлашган бу шифо масканн гавжум. Шифокорларнинг малакали тиббий хизмати, ўзига топширилган ишга ўта масъулият билан ёндашиши самарқандлик тиббиётчилар ва беморларда бу марказга катта умид туғдиряпти.

Тиббий марказ мутахассисларининг фикрича, беморлар касалликни оёқда ўтказиб, анча кеч шифокорларга мурожаат қилишади. Уни даволашдан кўра ўз вақтида олдини олиш ҳам шифокор учун, ҳам бемор учун бирдек фойдали.

Самарқандликлар келгусида хорижий давлат тиббиётчилари билан бундай фойдали ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдоридирлар.

Ф. ТОШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИРРИГАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА

профессор-ўқитувчилар таркибидаги БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: гидромелиорация системаларидан фойдаланиш ва автоматлаштириш (профессор), қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини автоматлаштириш, автоматлаштирилган электр асбоблари, геодезия, ерларни лойиҳалаштириш, чет эллик ўқувчилар учун тайёрлов факультетида умум илмий фанлар; ҳаётий фаолият хавфсизлиги;

профессорлар: назарий механика, сиёсий иқтисод, социализм назарияси;

доцентлар: сиёсий иқтисод (2), сув хўжалиги иқтисодиёти ва уни ташкил этиш (2), гидромелиорация ишлари технологияси ва уни ташкил этиш ва қурилиш материаллари (3), социализм назарияси (2), чорвачилик фермаларини механизациялаштириш (0,5 ст.), автоматлаштирилган электр асбоблари, ҳисоблаш техникаси ва амалий математика, машина-трактор паркидан фойдаланиш (2), гидравлика, сув манбаларидан комплекс фойдаланиш ва қишлоқ хўжалигида сув таъминоти (2), қишлоқ хўжалиги мелиорацияси ва гидромелиорация системаларидан фойдаланиш (2), социалистик қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодиёти ва уни ташкил этиш (2), ерларни лойиҳалаштириш, гидротехника иншоотлари (2), электротехниканинг назарий асослари, олий математика (2), физика, қурилиш механикаси, геодезия (2), ишларни механизациялаш ва мелиорация ва қурилиш машиналаридан фойдаланиш (2), сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш, жисмоний тарбия, қишлоқ хўжалик машиналари, тупроқшунослик ва деҳқончилик (2), мелиорация, қурилиш ва кўтарма-транспорт машиналари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқариш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги технологияси, сиёсий тарих, ҳаётий фаолият хавфсизлиги;

катта ўқитувчилар: ҳаётий фаолият хавфсизлиги, жисмоний тарбия, ўқув хўжалигининг тайёрлов бўлими (ўзбек тилида), олий математика, ҳисоблаш техникаси ва амалий математика, социалистик қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодиёти ва уни ташкил этиш, чет эллик ўқувчилар учун тайёрлов факультетида рус тили, электр асбоб-ускуналаридан фойдаланиш ва уларни созлаш, физика, қурилиш механикаси, иссиқлик техникаси, социализм назарияси, чизма геометрия ва муҳандислик графикаси, тупроқшунослик ва деҳқончилик, сиёсий тарих;

ўқитувчилар: чет эллик ўқувчилар учун тайёрлов факультетида рус тили (2), ўзбек тили, чет эллик талабалар ва аспирантлар учун рус тили;

ассистентлар: педагогика ва ўқитиш услубиёти (2), гидромелиорация ишлари технологияси ва уни ташкил қилиш ҳамда қурилиш материаллари (8), электр асбоб-ускуналаридан фойдаланиш ва уларни созлаш, фалсафа (3), иссиқлик техникаси, ҳисоблаш техникаси ва амалий математика, ишларни механизациялаштириш ҳамда мелиорация ва қурилиш машиналаридан фойдаланиш (2), олий математика (3), қишлоқ хўжалиги мелиорацияси ва гидромелиорация системаларидан фойдаланиш, социалистик қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодиёти ва уни ташкил қилиш, сув манбаларидан комплекс фойдаланиш ва қишлоқ хўжалигида сув таъминоти (2), физика, машина-трактор саройидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини автоматлаштириш, материалшунослик, сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш, жисмоний тарбия (2), ўқув хўжалигининг тайёрлов бўлими (рус тилида), сиёсий тарих.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Танловда ўзбек ва рус тилларини яхши билган кишилар алоҳида имтиёздан фойдаланадилар.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй, кадрлар бўлими.

1991 ИЙЛ 15—16 АВГУСТДА

Қарши шаҳрида

Қарши шаҳар саноат моллари савдоси идорасининг клубида ортиқча халқ истеъмол моллари улгуржи савдоси бўйича

ЖУМҲУРИЯТ ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари, саноат корхоналари ва кооперативларнинг вакилларини ярмарка ишида қатнашишга таклиф этамиз.

ЯРМАРКА ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ КЕЛИШИ 13 — 14 АВГУСТГА МЎЛЖАЛЛАНГАН.

ЎзССР Савдо министрлиги.
Ўзбекистон матлубот жамиятлари Кенгаши.
«Ўзпосредторг».

●

ЎзССР Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 10 июнь қарорига асосан

«УЗВТОРЧЕРМЕТ» ва «УЗВТОРЦВЕТМЕТ» бирлашмалари

ТУГАТИЛАДИ

Юқоридаги бирлашмаларининг ҳуқуқий вакили сифатида Ўзбекистон жумҳурият ширкатлар бирлашмаси

«УЗКООПВТОРМЕТ»

ТУЗИЛДИ

Корхоналар, ширкатлар ва муассасаларнинг мулкий, ҳуқуқий ва бошқа талабномалари тугатилган бирлашмаларда эълон босилган кундан бошлаб бир ой муҳлат ичида ҳуқуқий вакил томонидан қабул қилинади.

Қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилишингизни сўраймиз: 700100, Тошкент шаҳри, 100-алоқа бўлими, Шота Руставели кўчаси, 45-уй. «Узкоопвтормет» жумҳурият ширкатлар бирлашмаси.

Юқорида кўрсатилган муҳлатдан сўнг, талабномалар кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

Ўзбекистон Телекўрсатув ва радиоэшиттириш давлат қўмитасининг жамоаси ташкилий-услубиёт бошқармасининг катта муҳаррири Н. Эргашевага онаси

Олия КАРИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги ҳайъати ва жамоаси бўлим бошлиги Д. Д. Эрдоғовга онаси

Бибисора Иброҳимхўжаевна ЖУРАХУЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат аграр дорилфунуни ректорати, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари Деҳқончилик кафедраси доценти Е. Т. Пайзиевга ўғли

ОДИЛЖОНнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

● КЕЛАЖАГИМИЗ — МАКТАБДА

БЕМИННАТ ЁРДАМ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Келажагимиз — мактаб» мурожаатномаси кўпчилик районларда қўллаб-қувватланмоқда.

Уни амалга ошириш мақсадида Қамаши районида «Болаликка ёрдам» жамоа жамғармаси ташкил этилган эди. Бозор иқтисодиёти шароитида халқ таълими моддий-техника базасини яхшилашга, мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларни таъмирлашга, кам даромадли оилаларга ёрдам беришга, иқтидорли болаларга алоҳида эътибор кўрсатишга сарф қилинадиган жамғармани қўллаб-қувватлаш юзасидан корхона ва ташкилотларда тушунтириш ишлари олиб борилди. Самараси чакки бўлмаяпти. Чунончи, «Навбаҳор» универсал магазини 1050 сўм пулни жамғарма фондига ўтказди. «СССР 50 йиллиги» жамоа хўжалиги Бобур номли мактабга компьютер олиб берди. «Коммунизм йўли» жамоаси рандаги «Коммуна», «Партия XVIII съезди» ва Амин Умарий номли мактабларнинг аълочи ўқувчиларидан 18 нафарига 20 сўмдан стипендия беришга қарор қилди.

Қ. ТОҒАЕВА.

● ХАЙРИЯ

ОҚИБАТЛИ ОДАМЛАР

Сирдарё вилоятн касаба уюшмаси ходимлари Жигаристон қўрғонида табиий офатдан зарар кўрган кишиларга ёрдам уюштирдилар.

Вилоят касаба уюшмаси ходимлари маслаҳатлашиб, Ангрен шаҳар саноат қурилиш банкининг ҳисобига 750 сўм ўтказишга қарор қилишди. Бундан ташқари район касаба уюшмалари қўмиталари ҳам 300 сўмдан пул ажратишди. Оқолтин район касаба уюшмаси ходимлари тўплаган маблағ 1100 сўмга етди. Жами йиғилган маблағ беш минг сўмни ташкил этди.

А. НОРҚУЛОВ.

• Фельетон ўрнида

ҲАМТОВОҚЛАР

Тунги соат икки яримларда навбатдаги операция амалга оширилди. Беш-олти кишининг ҳаракати зое кетмади, улар бир неча тўп газламани девордан оширишди, кейин Абдуллонинг тракторига юклаб, Қурмак қишлоғи қаердасан, деб жўнаб қолишди.

Ўша куни Абдуҳоди билан Обиджоннинг хурсандчилиги беҳад бўлиб, бири Қурмакда, бири Наманган шойи газламалар комбинатида — навбатда турган жойида минг бир хаёлга борилганди.

Дунёда хаёлдан учқур, орзудан зўр, асалдан ширин нарсалар ҳам бўлади. Масалан, дейсизми? Ҳақиқат! У шундай ширин, шундай қудратлики, агар дунё ҳақиқатга тўлиб бораверса, яшончимиз комилки, олам гулистон бўлади.

...Наманган шойи газламалар комбинатида —милиция ўрнида ишлаётган Обиджон Нурмирзаев анча йилдан бери қоровул бўлиб ишларди. Қўлига милтиқ ҳам ишониб топширилганди. Қоровулларга эса Абдулқосим Ашурхонов раҳбарлик қиларди. Лекин, наҳотки, у қўл остидаги қоровулларнинг нима иш қилаётганини билмаса?! Қаранг, ўғриларга қоровул Обиджоннинг ўзи йўл кўрсатибди-я!

Тунда Наманган район ички ишлар бўлимига қўнғироқ қилишди. Нима дейсиз, кўрмаклик Абдуҳоди Шерқўзиевникига икки-уч киши қоп-қоп нарса олиб келганмиш.

Айтилган хонадонга қилни қирқ ёрадиган милиция майори Абдураҳмон Иномов билан оддий милиционер Ҳусниддин Убайдуллаев шошилинч йўл олишди.

— Абдуҳоди ака, хўп ака! — дея эшигини тақиллатди Ҳусниддин. — Ким бор?

— Ишда эдилар, келиб қоладилар, — овоз берди хотини.

— Майли, опахон, акам беш-олти кийимлик газлама ваъда қилувдилар, ўзингиз бериб юборақолинг, — деди Абдураҳмон.

— Ўзлари келсинлар, у кишисиз мен бера олмайман.

Милиция ходимлари хонадонга киришди. Икки киши ноёб газламаларни шошилмай тахлашарди. Улар кирган кишиларни ҳам харидор фаҳмлашдими, эътибор беришмади.

— Бу ерда 10.000 метрдан зиёд газлама бор экан, — дейди бизга Абдураҳмон Иномов. — Ҳаммаси комбинатдан чиққан.

Булар Абдуҳоди Шерқўзиев ва унинг ҳамтовоқлари Эгамқулов, Дадақўзиев, Шерматов ва Жабборовлар тўплаган — бирикки тунги операцияда келтирилган газлама эди. Уни қоровул Обиджон Нурмирзаев девордан оширишга ёрдамлашганди. Деворнинг ортига тунда трактор миниб келган киши эса Наманган районидаги Энгельс номли колхозда ишлаётган Абдулло Обобакиров бўлган.

Шунча газламани қоровул ёрдамида ўғирлашибди. Хўш, қоровуллик бўлими бошлиғи Абдулқосим Ашурхонов қаёққа қаради? Наманган шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси ягона назорат гуруҳи раиси Алишер Яҳёев-чи?! Нега сўнгги йилларда корхонада ўғирлик ва ташмачилик кўпайиб кетди?

Бу саволларга кимлар жавоб беради.

Т. СУЛАЙМОНОВ,
СССР журналистлар уюшмаси аъзоси.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХЎЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт—33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб —32-54-29; фельетонлар—32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5691.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди—20.50.
№ 143.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12